

Тақдиримсан,
бахтимсан,
эркин ва обод
Ватан!



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 4-avgust, shanba № 62 (8503)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

СУД ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қонун ва қонунчилик устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган, давлат ҳокимиятининг ғоят муҳим тармоғи бўлган суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш ва эркинлаштириш ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва модернизация қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган узоқ муддатли ва изчил ислохотлар дастурининг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади.

Ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган қонунлар, ҳужусан, «Судлар тўғрисида»-ги қонунга мувофиқ ҳокимият тармоқларининг бўлиниши конституциявий принципни амалга ошириш, суд ҳокимияти мустақиллигини

таъминлаш, уни ўтмишдаги қатагон ва жазолаш қуролидан қонун ҳимоясида турадиган чинакам мустақил институтга айлантириш борасида миқёси ва кўламига кўра улкан ишлар олиб борилмоқда.

Суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишнинг замонавий демократик таъминларга асосланган тизими яратилди, бунда асосан жамоатчилик асосида фаолият юритадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси муҳим роль ўйнайди.

Шу билан бирга, ривожланган демократик давлатларнинг тажрибаси ва суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш бўйича ўтган давр давоми-

даги ишларнинг танқидий таҳлили шундан далолат берадики, суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамияти янада оширилишини таъминламасдан, уларнинг ваколатлари ва мустақиллигини кучайтирмасдан туриб мамлакатни сиёсий ҳамда иқтисодий янгилаш ва модернизация қилишда муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Айни шу боисдан 2010 йилнинг 12 ноябрида қабул қилинган ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида зикр этилган муаммоларни ҳал этишга, шу жумладан, суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг

ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва социал қафолатларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Қўйилган мақсадларни амалга ошириш учун:

1. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб:

умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва ҳўжалик судлари судьяларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақи разрядлари 1-4-иловаларга мувофиқ;

Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва ҳўжалик судлари судьялари ҳамда мазкур суд идораларининг мансаб даражасига эга бўлган ходимларининг алоҳида меҳнат шaroитлари учун лавозим маошларига ойлик ус-

тама ҳақ миқдори 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва ҳўжалик судларининг судьялари хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан оладиган даромадлари жисмоний шахслар даромадларидан олинмадиган солиқ тўловида озод қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

судьяларга имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари беришни, шунингдек, турар-жойлар ижараси учун ҳар ойда пул компенсацияси тўлаб боришни назарда тутадиган тартибни тасдиқласин;

(Давоми 2-бетда.)

Reportaj

Ўтган чоршанба — 1 август куни ўз билимининг янада бойитиш, таълимнинг навбатдаги турида таҳсилни давом эттириш иштиёқида бўлган ёшларимиз ҳар галгидан-да эртaroқ уйкудан уйғонишди. Олий таълим муассасалари сари йўлга тушган йигит-қизлар кўнгли бир ўй билан банд: «Билганларим тушармикан?», «Қанийди, омадим чопиб, талабалик бахтига мушарраф бўлсам!».

БИЛИМ ВА САЛОҲИЯТ СИНОВИ

унда 432017 нафар
йигит-қиз 56607та
ўрин учун
курашдилар

Ва шу санада ота-оналар, фидойи муаллимлар ҳам фарзандлари, шогирдлари тўғрисида ўйлаганлари рoст: «Синoв пайти улар ҳаяжонланиб қолишмасмикан?», «Йўғ-э, устозлари, тенгдошлари қизимнинг билими ва зукколиги ҳақида ижобий фикр билдиришди-ку?», «Ишқилиб, барча саволларга тўғри жавоб топсин-да!». Муҳбирларимиз бир неча олий таълим муассасаларига ташриф буюриб, ота-оналар, устоз-мураббийлар, абитуриентларнинг шу сингари ҳаяжонларига шерик бўлиб қайтишди.

(Давоми 3-бетда.)

ИСТЕЪДОДЛАР МУСАВВИРИ



Ана, Абдураҳмон аканинг шогирдлари ҳам келиб қолди. Рассом-мураббийнинг нурафшон ҳаёлларига шoҳид сокин сой бўйи бир пасда ўқувчи-ёшларга тўлиб кетди. Устоз ўз шогирдларини сўлим табиат бағридан кундан-кун чирой очаётган пойтахт кўчалари, кўкка бўй чўзган янги-янги бинолар томон бошлади. Ахир, бугунги авлод ўзи учун яратиётган имкониятларни кўриши, ҳис этиши ва ун-

дан фахрланишни ҳам билиши даркор. Улар «Маърифат маркази»га йўл олишди. Ўқувчилар анжомларини жойлаб, бино расмини чизишга киришиб кетдилар. Сайр дарс машғулотларига уланди. Амин-мизки, уларнинг мана шундай машғулотлари юрти-мизнинг сўлим гўшаларида ҳали яна узоқ-узоқ давом этаверади...

8—9-бетларга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

СУД ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди билан келишилган ҳолда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурини тасдиқласин;

судларнинг таркибий тузилмасида ахборотлаштириш масалалари бўйича алоҳида бўлинмалар ташкил қилиш тўғрисида таклифлар киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда фуқаролик ишлари бўйича судлар судьяларининг мавжуд иш юклама-

сини, туманлараро судларнинг ўзларига бириктирилган ҳудудларга нисбатан қанчалик олисда жойлашганини ўрганиб чиқсин ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судлар тизимини оптимallashtiriш бўйича таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин. Бунда судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг тегишли равишда Адлия ва-

зирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судида мажбурий тайёргарлик ва стажировка ўташлари назарда тутилсин.

5. Ушбу Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳамда Судлар ва юстиция органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда юридик таълимни янада такомиллаштириш ва ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини

қўриб чиқиш учун киритсин; бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси вазифасини бажарувчиси Б.А.Коканбаев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2 август 2012 йил



НАМАНГАНДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Энг улуг, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз давлат мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар шаҳар ва қишлоқларимизда изчил ва кенг давом этмоқда.

Наманган шаҳридаги «Қамолот» ёшлар боғида «Обод ва мустақил Ватанга муносиб фарзанд бўлайлик!» мавзусида ўтказилган ёшлар фестивали юзлаб йигит-қизларда унутилмас таассурот қолдирди.

Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилган тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларга ўз иқтидор ва салоҳиятини намойиш этиши учун кенг имкониятлар яратилгани таъкидланди. Навқирон авлод вакиллари бундай юксак эътибор ва ғамхўрликка жавобан Ватанга муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қилмоқдалар. Фестиваль доирасида қизиқарли концерт дастури, шахмат-шашка, стол тенниси ва мерганлик бўйича спорт мусобақалари, расмлар танлови бўлиб ўтди.

Суратларда: фестиваль иштирокчиси, Наманган туманидаги 23-мактаб ўқувчиси Қамрон Йўлдошбоев ва ёш расм Шайхона Умарханова.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар.



ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ЯНГИ КУЧ БИЛАН

Таълим, фан ва маданият ходимлари касабасида уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши томонидан соҳа ходимларини соғломлаштириш борасида янги режалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётди.

«Мустаҳкам оила йили» муносабати билан меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган имтиёزلарга асосан меҳнат фахрийси, кам таъминланган, кўп болали оилалардан 3 нафар ходим бепул даволаниш имконига эга бўлди, — дейди таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши раиси Муассархон Раҳимова. — Йил охиригача яна 4та ёш оила ҳамда 10 нафар таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг оилаларини республика-мизнинг сўлим масканларида бепул соғломлаштириш режалаштирилган. Жорий йилнинг олти ойи давомида санаторийларда меҳнаткашларни дам олдириш мақсадида ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан 73та йўлланма олинган бўлиб, 35592,6 минг сўм маблағ ажратилди. Ана шу йўлланманинг 40таси хотин-қизлар саломатлигини тиклашга йўналтирилди.

— Хоразм туманидаги Саноат қишлоғи ҳудудида жойлашган 36-мактабда ишлайман, — дейди Азиза Сатторова. — Яқинда Тошкент вилоятидаги «Ботаника» сихатгоҳида ҳам даволандим, ҳам дам олиб келдим. Энди янада кўтаринки кайфиятда янги ўқув йилини бошлайман. Қишлоқ ўқитувчилари учун яратиб берилган имкониятлардан жуда мамнунман.

Бизни педагоглар оиласи дейишди, — касбидан фахрланиш туйғуси билан завқланиб гапирди гурланлик ёш ўқитувчи Зулхумор Қорабоева. — Умр йўлдошим Одилбек Собиров ҳам ўқитувчи. Жорий йилги таътил жуда эсда қоладиган тарзда ўтди. Соҳа ходимлари касабаси уюшмаси томонидан кўҳна ва навқирон Бухорога саёҳат ташкил этилди. Воҳанинг таълим тизимида фаолият кўрсатаётган, 30 ёшгача бўлган 26 нафар эр-хотин, жуфтлик таълим ва фан, маданият ходимлари касабаси уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши томонидан илқ қутиб олинди. Биз азиям шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилдик. Чиройли концерт дастурлари намойиш этилди. Садриддин Айний номидаги вилоят театрида «Майсаранинг иши» спектаклини зўр қизиқиш билан томоша қилдик. Мустақиллик неъматини бўлган, янгидан бунёд этилган «Қўҳна ва боқий Бухоро» мажмуасида бўлдик. Дунёқарашларимиз бойиди. Янгидан-янги маълумотларга эга бўлдик.

Кенгаш ходимлари томонидан қатор ибратли ташаббуслар ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Жумладан, «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан Ватанимиз мустақиллигининг 21 йил-

лигига бағишлаб таълим тизимида кўп йиллар фаолият кўрсатган меҳнат фахрийлари, касабасида уюшма фаолларидан иборат бир гуруҳ педагог оилалардан 24 нафари вилоятдаги «Хонқа» сихатгоҳида дам олиши ва даволаниши режалаштирилди.

— Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан аъзолик бадалларининг бошланғич ташкилотлар ихтиёрида қолдирилган 50 фойздан 53 фойзга оширилди ва бошланғич ташкилотда қоладиган 3 фойз маблағ ходимлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш ишларига йўналтирилмоқда, — дейди Муассархон Раҳимова. — Кенгаш ходимлари томонидан Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Кенгаши қошидаги санаторий-курортлар бошқармаси билан республикаимизнинг турли сихатгоҳларига қўшимча йўлланмалар сотиб олиш бўйича шартномалар тузилганлиги натижасида жорий йилнинг олти ойи давомида ходимлар ва уларнинг оила аъзолари соғломлаштириш учун қўшимча равишда 98та йўлланма билан таъминланди. Бу мақсадлар учун 3 фойзлик соғломлаштириш маблағлари ҳисобидан 48469,1 минг сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари пойтахтимиздаги А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институтига малака оширишга борган ўқув муассасалари раҳбарларини ижтимоий-иқтисодий ғимоялаш мақсадида институт қошида ташкил этилган санаторий-профилакторийга 26та йўлланма олиниб, соғломлаштириш маблағлари ҳисобидан 5304,0 минг сўм сарфланди.

Вилоят кенгаши қошида ташкил қилинган ўқув марказида 132 нафар бошланғич касабаси уюшма кўмитаси раислари ва доимий комиссиялар ўқув ташкил қилинган бўлиб, бир вақтининг ўзида Урганч давлат университети санаторий-профилакторийсида саломатликларини тиклаб олдилар.

— Урганч туманидаги Қоровул қишлоғида жойлашган 11-болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқитувчилик қиламан, — дея ўзини таништирди Мақсуд Саидов. — Бу йилги таътил жуда мароқли ўтди десам муболага қилмаган бўламан. Мен ҳам касбдош педагоглар қатори соғлиғимни мустаҳкамлаш мақсадида пойтахтимиздаги ажойиб сихатгоҳлардан бирида дам олишга муваффақ бўлдим. Яхши дам — меҳнатга ҳамдам деганларидек, энди анъанавий ўтказиладиган август кенгашларига тайёргарлик қурамиз. Янги ўқув йилини мустаҳкам саломатлик, хуш кайфият билан қарши оламиз.

Феруза ТАНҒИРБЕРГАНОВА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ФАХРЛИ НОМГА МУШАРРАФ БЎЛИНГ!

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида яқин ҳудудлар эрталабданоқ абитуриентлар, уларнинг ота-оналари, устозлари билан тўла. Мутасаддилар абитуриентларни таълим йўналишлари бўйича гуруҳларга бўлган ҳолда аудиторияларга киритишга ҳозирлаяпти. Талаба бўлиш иштиёқига эъшлар юзигадаги ҳаяжон яққол сезилади.

Тест синовлари тартибига кўра абитуриентлар аудиторияга фақат шахсини тасдиқловчи ҳужжати, ДТМ рухсатномаси ва ручка билан киритилади. Шу боис талабалikka даъвогарлар биноларга киришидан олдин тегишли хизматлар вакиллари томонидан текширилади.

сезмадим. Саволларнинг барчаси таниш, дарсликлардан олинган.

— Жисмоний маданият таълим йўналиши тест синовларида қатнашиб чиқаяпман, — дейди, сирдарёлик Валижон Кенгаев. — Полвонимиз Ришод Собировнинг Лондон олимпиадасида галаба қозонганини кўриб, кўнглимдан илиқ туйғулар кечди. Ўзимизнинг яшаётган ҳудудда ўғил-қизларни мактаб ёшиданоқ спорт турлари билан шуғуллантираман, деган ният пайдо бўлди.

АСОСИЙ МЕЗОН — ҲАҚҚОНИЙЛИК

Тошкент ахборот технологиялари университетида тест синовларини белгиланган талаблар даражасида ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрилган бўлиб, қабул жараёнига жами юзга яқин мутахассис

8931 нафар абитуриентдан ариза қабул қилинди, — дейди қабул комиссияси масъул котиби Ўткир Ҳамдамов. — Айни пайтда имтиҳонлар 8та бино — университетнинг асосий биноси, Тошкент алоқа касб-хунар коллежи ва ҳудуддаги 6та мактабда ўтказилаяпти. Қабул квотаси кундузги бўлими учун 1250та этиб белгиланган. Шунингдек, махсус сиртки бўлимига ҳам 50 нафар талаба қабул қилинади. Самарқанд ва Фарғона филиалларига 365 нафардан, Қарши филиалига 170, Урганч филиалига 150, Нукус филиалига 165 та квота берилган. Шу ўринлар учун курашаётган абитуриентларнинг энг билимли ва зукколари талабалик бахтига мурасар бўлишади. Боиси, тест жараёнининг ҳолис ва ҳаққоний кечиши учун барча чора-тадбирлар кўрилган.

масъулият ҳисси бўлса керак. Умид қиламанки, тестдан юқори балл олиб, устозларим ишончини оқлайман.

— Жорий йил институти-мизга 4472 нафар абитуриент ҳужжат топширди, — дейди институт қабул хайъати масъул котиби ўринбосари Қобилжон Муҳамедов. — Бу ўтган йилга нисбатан 500та кўп. Бизнинг кадрларга эҳтиёж ортгани сайин ўқишга талабгорлар сони ҳам кўпаймоқда. Масалан, озиқ-овқат саноати факультетида қабул квотаси 25тадан 75тага кўпайган. Бу юртимизда озиқ-овқат саноатининг кескин ривожланиши ва соҳага жиддий эътибор қаратилаётганидан, деб ўйлайман.

ИШТИЁКНИНГ ЎЗИ КАМ

Эътироф этиш керак, бу йил олий маълумот олишни кўзлаган наманганлик ёшлар

ловлар, Билимлар беллашуви ва фан олимпиадаларида фаол қатнашиб, билимларимни синаб юрдим. НамДУнинг филология факультетида тахсил олишни ният қилиб, тест синовларига астойдил тайёргарлик кўрганман. Биламан, талаба бўлиш учун иштиёкнинг ўзи кам. Бироқ ўзимга, билимимга ишонаман.

ТАЛАБАЛИК ОСТАНАСИДА

Талаба бўлиш — мустақил ҳаёт остонасида турган ҳар бир йигит-қизнинг орзу-истаги. Аммо бу мақсадга эришиш осон кечмайди. Ўқиш, излаш олий ўқув юртига киришнинг бирдан-бир йўлидир. 1 август куни ўтказилган тест синовлари бунга яна бир бор исботлади. Қувончли томони шундаки, кейинги йилларда педагогика йўналишидаги институтларга ҳуж-

БИЛИМ ВА САЛОҲИЯТ СИНОВИ



унда 432017
нафар
йигит-қиз
56607та
ўрин учун
курашдилар



Синов бўлаётган хоналарда муҳрланган қутилар абитуриентлар гувоҳлигида очилиб, барчага тест материаллари тарқатилди ва аудитория раҳбарлари абитуриентларга тест саволлари котиби ва жавоблар варақаси билан ишлашни тушунтирди. Вақт белгиланиб, йигит-қизлар тест саволларини ечишга киришган, уларга ҳалал бермаслик учун ташқарига отланамиз.

— Кенжа қизим Маҳлиё ушбу университетнинг география ўқитиш методикаси таълим йўналишида ўқишни ихтиёр қилди, — дейди китоблик Файзулла Рўзиев. — У устозларига ҳавас билан ўқитувчи бўлиш ниятида. Ҳозир «Ниятинг йўлдошинг бўлсин!» дея омад талаб ўтирибман.

— «Мустаҳкам оила йили»да талабалик шохсупасига кўтарилган йигит-қиз икки карра бахтли деган бўлардим, — суҳбатга қўшлади ангрелик Абдуҷалил Исмоилов. — Ангрел тиббиёт коллежини битирган қизим Зибдага ҳам талаба бўлиш бахти насиб этади, деб умид қиламан.

Суҳбатлар давом этаётган паллада талабалikka даъвогарлар бирин-кетин чиқа бошладилар.

— Кимё ўқитиш методикаси таълим йўналишига ҳужжат топширганман, — дейди самарқандлик Лазиза Абдуллаева. — Тест саволларига жавоб топишда қийинчилик

жалб этилган эди. Абитуриентларга тестлар билан ишлаш тартиби, қонун-қоидалари баътафсил тушунтирилгани, консултация ва репетициялар ташкил этилгани, аудиторияларни тайёрлашга ҳам жиддий эътибор қаратилгани тест жараёни камчиликларсиз ташкил этилишига асос бўлди. Шпаргалка, қўл телефони «кўмаги»га суянган, шунингдек, кечикиб келган абитуриентлар тест ўтказиладиган биноларга қўйилмади.

— Ўғлим Дилшод Ҳамроев информатика ва ахборот технологиялари таълим йўналиши талабаси бўлиш ниятида тест синовларида қатнашмаяпти, — дейди Маҳбуба Юсупова. — Ёшлар ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг равнақ топиб бораётгани, мазкур йўналиш мутахассисига меҳнат бозорида талаб катталигини яхши билишади. Шу боис ўғлимнинг хоҳишига қарши бормадик. Барча шароитлар муҳайё, замонавий касб-хунар коллежида тахсил олгани сабабли компьютерни яхши тушунади, соҳага доир билими етарли. Насиб этса, синовлардан яхши ўтиб, талаба бўлади.

Энг қизғин жараён аудиторияларда кечди — ёшлар олган бор билим ва салоҳиятини сафарбар этиб, тестларнинг тўғри жавобларини топишга астойдил ҳаракат қилишди.

— Университетимизда ўқиш истагини билдирган

Билим ва салоҳиятни тўла намоён этиш учун қулай имконият бўлган тест синовларидан абитуриентлар ҳорғин қиёфада эмас, аксинча, хурсанд ҳолда чиқиб келишди.

— Ҳаяжонли дақиқалар ортда қолди. Телекоммуникация йўналишига ҳужжат топшириб, тестни муваффақиятли топшириб чиқдим, — дейди абитуриент Адҳам Отабоев. — Ёрқўрғон иқтисодиёт ва компьютер технологиялари коллежида ҳам танлаган йўналишимга мос тахсил олганим боис қийналмадим.

«УСТОЗЛАРИМ ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМАН»

Тошкент кимё-технология институтини атрофи ҳам 1 август — тест синовлари куни эрта тонгдан ота-оналар билан гавжум бўлди. Абитуриентлар нигоҳида ишонч, қатъий қўзғашланади, баъзилари юзларида биров халовотир. Уларни қўллаб-қувватлашга келган ота-оналар «Ҳаммасини яхши топширасан, ишончим комил», дея фарзандига далда беради. Абитуриентлар гуруҳларга бўлиниб белгиланган аудиторияларга йўл олишмаяпти.

— Технологик машина ва жиҳозлар бўлимига ҳужжат топширдим, — дейди абитуриент Илҳом Раҳимов. — Болалигимдан муҳандислик касбига қизиқаман. Синов олгандан ҳаяжонланаяпман, бу отаона, қариндошлар олдидаги

салмоғи ўтган йилга нисбатан ортди. Қолаверса, бунга интилаётган йигит-қизларнинг аксарияти замонавий касблар — ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер соҳаси ва аграр-иқтисодиёт тармоқлари йўналишларини ўрганишга аҳд қилган.

Биринчи август куни Наманган шаҳрида жойлашган олий ўқув юртларида синов жараёни тартиб-интизомга риоя этилган ҳолда бошланди. Мазкур жараёни умумтаълим мактаблари директорлари ва уларнинг ўринбосарларидан 836 нафар, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари педагогларидан 690 нафар ва олий ўқув юртлари ўқитувчиларидан иборат 834 нафар кузатувчи назорат қилиб борди. Тест синовлари олинаётган 836та аудиторияга тайинланган раҳбарлар белгиланган вазифаларни адо этдилар. Абитуриентлар билан келган ота-оналар учун ҳам барча зарур шарт-шароитлар муҳайё этилди.

Дарвоқе, жорий йилда Наманган давлат университетида бир ўринга 11 нафардан абитуриент тўғри келди. Бу ҳам талабалик мақомини олиш учун кураш энгил кечмаслигини кўрсатиб турибди.

— Мактаб ва касб-хунар коллежида ўқиб юрган кезларим устозлардан пухта илм олишга интилдим, — дейди учқўрғонлик абитуриент Сайёра Усмонова. — Турли тан-

жат топширган абитуриентлар сони кескин ортмоқда. Жиззах давлат педагогика институтига бу йил 19 йўналиш бўйича жами 1605 нафар талаба қабул қилиш режалаштирилган. Ҳужжат топширган абитуриентлар эса 18347 нафарни ташкил этди.

Кўриниб турибдики, олий ўқув юрти талабаси бўлиш учун кураш ниҳоятда кескинлашди. 1 август куни 27 бинода тест синовлари бўлиб ўтди. Абитуриентларга зарур шарт-шароитлар яратилди.

Тест синовлари барча биноларда меъёрий ҳужжатларга амал қилинган ҳолда ўтказилди. Имтиҳондан чиқаётган абитуриентлар билан суҳбатимиз ҳам бунга яна бир бор тасдиқлади. Республика миқёсидаги кўрик-танловлар, фан олимпиадаларида ғолиб бўлган, турли спорт мусобақаларида чемпионлиқни кўлга киритган йигит-қизлар тўғридан-тўғри талабалар сафидан ўрин олди. Тест синовини топширган абитуриентларнинг энг муносиблари талаба бўлишига биз ҳам тилакдошимиз.

**Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Санобар ЖУМАНОВА,
Олим ЖУМАБОВ,
Ғанишер АКБАРОВ,
Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбирлари**

Владимир ГРАНКИН
олган суратлар.



Андижон вилоятининг барча шаҳар ва туманларида Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги олдидан "Андижонни кўрам ва обод вилоятга айлантирайлик!" кўрик-танлови ўтказилмоқда.

Танловда хонадонлар, кўп қаватли тураржойларнинг озодлиги, саранжом-саришталигига, аҳолининг ичимлик суви, газ ва электр энергиясини тежаш, тўй ва маросимларда дабдабозлик, исрофгарчиликнинг олдини олиш, сўғоришда тежамкор усуллари кўлашга қўшаётган хиссасига, маҳаллаларнинг миллий ҳунармандчилик, халқ амалий санъатини ривожлантиришда эришаётган ютуқларига алоҳида эътибор қаратилади.

Кўрик-танловнинг Балиқчи туман босқичи ҳам юксак савияда ташкил этилди. Жорий йилда тумандан ўтувчи 25 километрлик магистрал йўл четида 650 минг тупдан зиёд гул кўчатлари экилди. Чинобод шаҳарчасида минифутбол ўйингоҳининг очилиш маросими, тўй ва маросимлар, "Ибратли оила", "Энг яхши ошпаз" танловлари, спорт мусобақалари, хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ҳамда савдо ярмаркалари байрамга янада кўтаринки руҳ бағишлади.

Бухорода "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Савдо-саноат палатаси ҳамда тижорат банклари ҳамкорлигида ўтказилаётган "Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор" республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Кўрик-танловда ёш тадбиркорларнинг иқтисодий-ижтимоий ва хизмат кўрсатиш йўналишларига оид лойиҳалари тақдими ўтказиб, пешкулик Шодмон Ражабовнинг қиймати 20 миллион сўмлик ихчам вакуумли тегирмон ишини йўлга қўйиш лойиҳаси юқори баҳоланди.

— Нисбатан кам электр энергияси сарфлаб, бир сменада 450 килограммча донни қайта ишлайдиган тегирмон қишлоқ шароити учун жуда мос келади, — дейди Шодмон Ражабов. — Ун сифати юқори бўлади ҳамда бир неча киши иш билан таъминланади.

Танловда жондорлик Сардор Раҳимов ва Бухоро тумани вакили Бекзод Акрамовнинг ёшларга компьютер ўргатиш ва интернет клуб ташкил этишга оид лойиҳалари ҳам маъқулланди. Мазкур бизнес-режалар танловнинг республика босқичига тавсия этилди.

Самарқанд вилоятида ўнлаб савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш объеклари ишга туширилди.

Бу борадаги ҳудудий дастурда жорий йилда Қўшработ туманида тўққиз лойиҳа бўйича ўттизга яқин хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этиш қўзда тутилган.

Йилнинг биринчи ярмида беш лойиҳа амалга оширилди. Булоқбоши, Жўш ва Зармитан маҳаллаларида саргароҳона ва гўзаллик салони, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари, пойабзал таъмирлаш ҳамда телерадио тузатиш устaxonаларини ўз ичига олган замонавий маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари фойдаланишга топширилди. Натижада ўттиздан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Туманининг Булоқбоши маҳалласида барпо этилган мажмуада савдо дўкони ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолияти йўлга қўйилди. Айни пайтда бу ерда ўнга яқин ёшлар меҳнат қилмоқда.

"Қорақалпоқ қишлоқ хўжалик сув тармоқлари" трести қурувчилари томонидан Беруний туманидаги Навоий ва Шоббоз овулларида ҳар бирининг қуввати 500 кубометр сиймига эга иккита замонавий сув тақсимлагич қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Натижада бу ерда истиқомат қилаётган 2 мингга яқин аҳолининг тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Бундан ташқари, намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган янги уйларни ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида трест қурувчилари томонидан 1 миллиард 200 миллион сўмликка яқин иш бажарилди. Жумладан, 35,5 километр масофага қувур тортилиб, 5 минг 600 нафардан ортиқ аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Айни кунда трест жамоаси 3 минг 135 километр сув тармоқлари орқали аҳолига сифатли ичимлик суви етказиб бermoқда. Турар жойларни ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш мақсадида жорий йил ўн иккита овулда умумий қиймати 3,8 миллиард сўмлик 15,1 километр сув тармоқларини қайта тиклаш, ўн бешта сув қудуғи қазिश, қирқдан ортиқ сув насослари ўрнатиш режалаштирилган.

ЎзА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Экспортбоп маҳсулотлар янада кўпаяди

«Ўзфармсаоат» давлат акционерлик концерни томонидан «Республикамиз аҳолисини дори воситалари билан таъминлашда амалга ошириладиган ишлар: натижалар ва келажакдаги вазифалар» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Анжуманда ҳозирги вақтда республика-мизда дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш бўйича фармацевтик фаолият юритиш ҳуқуқига эга 129та корхона иш олиб бораётгани ва уларда 1130 номдаги дори воситалари ишлаб чиқарилаётгани айтиб ўтилди. Экспорт салоҳиятига эга 230 номдаги дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатдан ўтказилган бўлиб, бу маҳсулотлар жаҳоннинг 11та мамлакатига экспорт қилинаётгани ҳам алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича олиб борил-

ётган ишлар, қатор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳам соҳа ривожига ижобий таъсир кўрсатаётганига алоҳида аҳамият қаратилди.

2012-2013 йилларда соҳада умумий қиймати 290,5 млн. долларга тенг 39та янги инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, мамлакатимизга импорт йўли билан олиб келинаётган дори воситаларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналарни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Сурайё СИРОЖИДДИНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Мазмунли таътил

Зомин туманидаги 62-мактаб ёзги таътил бўлишига қарамай, ўқувчи ўқитувчилар билан тўла. Аксари-ят ўқувчилар мактаб ҳовлисида, қуюқ дарахтлар соясида китоб ўқиётган бўлса, яна бир гуруҳ ўқувчилар шахмат-шашка, стол теннисни ўйнамоқда. Бошқа тарафда болакайлар савол-жавоб ўтказиб, турли интеллект-туал ўйинлар билан банд.

— Таътил кунларида ҳам спорт ва фан тўғрақларининг мунтазам ишлашини таъмин-
ляпмиз, — дейди мактаб ди-

ректори Бекмирза Ҳайдаров.
— Ўқувчилар ўртасида спорт мусобақалари, кўрик-танлов-
лар ўтказилмоқда. Расмлар

танловида 6-синф ўқувчиси Ахрор Исоқулловнинг «Менинг қишлоғим» мавзусида чизган расми голиб деб топилди.

Мактаб жамоаси 2012-2013 ўқув йилига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Мавжуд синфхона-лар сифатли таъмирланиб, зарур кўргазмали қуруллар билан жиҳозланди.

А.СОДИҚОВ

Улкан илҳом манбаи

Тошкент Фотосуратлар уйида фоторассом Михаил Левкович ижодий ишлари кўргазмаси очилди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси ўринбосари Ж.Миртоҳжиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги ислохотларда тили, миллати, диний эътиқоди, ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришга алоҳида эътибор қаратиладиганини таъкидлади.

Асли касби физик бўлган М.Левкович Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги илмий-тадқиқот муассасаларида узок йиллар мобайнида молекулалар қурилиши ҳамда шифобахш ўсимликлардан дори воситаларини тайёрлашга оид тадқиқотлар билан шуғулланган. Фотография санъатига меҳри балинд тадқиқотчи Тошкентда ўтказилган тўртинчи ва бешинчи халқаро «TashkentALE» фотобиенналеларида, хорижий давлатларда бўлиб ўтган кўрик-танловлар, фотокўргазмаларда қатнашган. Ҳозир у Тошкент Фотосуратлар уйи қошидаги ижо-

дий мактаб-студиясида ёшларга фото санъати сирларини ўргатмоқда.

— Жонажон диёримизда турли миллат вакиллари эмин-эркин яшаши, ўқиши, меҳнат ва ижод қилиши учун зарур барча шароитлар яратилган, — дейди М.Левкович. — Бундай қулай шароит ва имкониятлар, ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик, аҳилилик ва тотувлик, эътибор ва эъзозга йўғрилган маънавий муҳит, табиатнинг сўлим манзаралари тинимсиз изланиш, самарали ижод учун чексиз илҳом манбаидир.

Кўргазмада мамлакатимизда истиқлол шарофати билан яратилган имкониятлар, буюк бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари, эл-юрт дастурхонига барака улашаётган серхосил далалар, ям-яшим боғлар, ҳамюртларимизнинг фаровон ҳаёти акс эттирилган юздан ортиқ фотосурат томошабинлар эътиборига ҳавола қилинган.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Дам олиш кўнгилдагидек ўтмоқда

Самарқандлик мактаб ўқувчилари ҳам ёзги таътилни оромгоҳларда мароқли ўтказмоқда. Сўлим ва баҳаво Ургут, Нуробод, Қўшработ тоғолди гўшаларидаги ўнлаб оромгоҳларда болаларнинг саломатлиги тикланмоқда.



Каттақўрғон шаҳридаги Ибн Сино номидаги ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳам 3 мавсумда уч юз нафардан ортиқ болакай ҳордиқ чиқариши кўзда тутилган.

— Шаҳримиздаги 11-, 17-ўрта таълим мактабларида кундузги оромгоҳлар ташкил қилинган. Абдулхамид Мажидий номидаги драма театри санъаткорлари ҳамда шаҳар «Камолот» ЁИХ кенгаши ходимлари маданий-маърифий тадбирлар ташкил этмоқда, — дейди шаҳар таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси раиси Илҳом Назаров.

Т.НОРКУЛОВ
олган сурат.

Истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислохотлар замирида халқ фаровонлиги, инсон манфаатлари каби эзгу ғоялар ётгани барчамизга аён. Бунга ёрқин мисол — юртимизнинг олис ҳудудларида ҳам шаҳар марказларидан қолишмайдиغان муҳташам турар жойлар қурилиб, аҳолига имтиёзли кредит асосида берилмоқда. Ўзбекистонда, бу каби ғамхўрликдан ўқитувчилар ҳам баҳраманд бўлаётган.

Qutlug' ostona

заобод туманидаги 25-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Тожихон Қорабоева, Сардоба туман болаблар мусиқа ва санъат

хабар топиб, биз ҳам мурожаат қилдик, — дейди Гулистон туманидаги 9-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

ХОРАЗМ вилояти педагоглари ҳам истиқлол яратётган имкониятлардан мамнун.

— Янги уйнинг файзи ҳам, ҳавоси ҳам ўзгача бўларкан, — дейди она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, янгиариқлик Султонпошша Сайдамадова. — Давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги ва эътибори туфайли кўркем ва мустаҳкам, замонавий уй-жойга эга бўлдик.

ЁШ ЎҚИТУВЧИЛАР ОИЛАСИГА ЯНГИ УЙ

СИРДАРЁ вилояти-нинг Сардоба, Бойвут, Мирзаобод, Сайхунобод, Гулистон туманларида барпо этилган янги уй-жой массивларида юзлаб оилалар кўним топди, ҳовли тўйлари тантанали равишда ўтказилди. Уйли-жойли бўлиб, қувончига қувонч қўшилган юртошларимиз орасида ёш педагоглар ҳам бор.

Янги турар жой массивларида кўркем ҳовлилар, шинам маҳалла узарлари, хизмат кўрсатиш шохобчалари билан бирга таълим масканлари ҳам барпо этилмоқда. Ўтган йили Мирзаобод туманидаги Мустақилликнинг 20 йиллиги массивида 96 нафар ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси фойдаланишга топширилган бўлса, бу йил Сардоба туманидаги Наврўз массивида 6-умумтаълим мактаби филиали янги ўқув йилига тайёр

ҳолатга келтирилди. Қолаверса, Сирдарё туманидаги Пахтазор массивида 140 ўринли, Гулистон туманидаги Зарбдор массивида 120 ўринли замонавий мактаб биносида ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Янги ҳовлилар ёш ўқитувчилар оиласига ҳам имтиёзли кредит асосида берилётгани таълим ходимларини хурсанд этмоқда. Мир-

мактаби директори Мақсуда Қўшбоқова, Гулистон шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Шаҳло Эралиева, Гулистон тиббиёт коллежи ўқитувчиси Замира Давлатова сингари педагоглар оиласи билан ана шундай замонавий турар жой массивларида истиқомат қилишмоқда.

— Юртбошимиз ташаббуси билан аҳолига имтиёзли кредит асосида уй берилётганидан

Гулноз Хотамкулова. — Барча имкониятларга эга шинам ҳовлида яшаш ниятимиз ушалди. Истиқлолнинг 21 йиллик тантаналарини замонавий уйда қўтиб оладиганмиз. Давлатимизнинг биз ўқитувчиларга кўрсатаётган ғамхўрлиги янги ўқув йили олди-дан кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда.

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ,
"Ma'rifat" мухбири



Султонпошша опанинг келини Турсуной Собирова ҳам география фанидан сабоқ беради. Бу оилادا аҳилик, меҳроқибат барқарорлиги ота-она касбининг қадрланиши туфайли бўлса, ажаб эмас. Ака-сингил Муроджон Сайдамадов ва Каромат Сайдамадова ота ўғитига қўлоқ солиб, ўқитувчилик касбини танлаганидан афсус қилмайди. Бойси, бугун оилавий фаровонликка айнан шу касб ортдан эришмоқда.

Қишлоқ жойларида шаҳар шароити ва тоғ ҳавосидан баҳраманд бўлиб яшайётган оилаларга ҳавас қилса арзийди, албатта. Кейинги уч йилда Янгиариқ туманида жами 20 нафардан зиёд ўқитувчилар намунавий уй-жойларга эга бўлишди. Жумладан, Остона қишлоғида қурилган ҳовлиларнинг серфайзлиги киши эътиборини тортади. 31-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Юлдуз Хўжаниёзова ҳам ана шундай хонадон бекасига айланган. У кундан-кун яшнаб бораётган гўзал диёрда яшаётганига шукрона айтиб, эркин ва обод Ватан равнақига ҳисса қўшишдек бахтга муяссар бўлганидан мамнун.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

ИЗЛАГАН ИМКОН, ИЗЛАНМАГАН БАҲОҲА ТОПАДИ

Халқимизда «Мард май-донда синалади» деган пурмаъно нақл бор. Ҳар йили ўтказиладиган фан олимпиадаси ва билимлар беллашуви ҳам шундай синов майдони сифатида билимдон ўқувчиларни сараламоқда. Қолаверса, бу тадбирлар ўқув муассасаларида давлат таълим стандарти талаблари бажарилишини ўрганиш ва таҳлил қилишга имкон яратаётган. Яқунланган ўқув йили билимлар беллашувининг умумтаълим фанлари бўйича IV босқич натижаларига кўра Пахтазор туманидаги мактаблар паст кўрсаткични қайд этди. Таҳлилларга қараганда, тумандаги 15-, 18-умумтаълим мактаблари ҳамда 19-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби республика бўйича рейтингда сўнгги ўринларни эгаллаган.

Жамоанинг ютуқ ва камчиликлари раҳбарнинг ўқуви, ташаббускорлигига боғлиқ бўлса, муаллимларнинг маҳорати ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Республика миқёсида 9467-ўринга тушиб

қолган (9763та умумтаълим мактаб орасида) 15-умумтаълим мактабида таълим олаётган 128 нафар ўқувчига 18 нафар педагог сабоқ бермоқда. Ачинарлиси, уларнинг мақсадида айна таътил кунларида ҳам тўғарақларда амалий машғулотлар ўтказилмоқда.

— Кенгаш йиғилишларида вазият атрофлича ўрганилиб, тегишли хулоса чиқарилди, — дейди туман ХТМФМТЭ бўлими мутахассиси Исомиддин Абдурахимов. — Аниқла-нишича, ушбу мактаблардаги ўқувчиларнинг билими ДТС талабларига жавоб бермайди. Қолаверса, педагогларга директор жағғармасидан устама ҳақлар белгилаш-

да ноҳилисликка йўл қўйилган. Методистлар томонидан ўқувчилар билан индивидуал ишлаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилмаган. Камчиликларни бартараф этиш мақсадида айна таътил кунларида ҳам тўғарақларда амалий машғулотлар ўтказилмоқда.

Dolzarb mavzu

Жамоанинг ўзаро ҳамжиҳатликда иш юритиши ва изланиши аҳолини ўнлашга, ўқувчиларнинг билимлари чуқурлашиб, келгусида турли танловлардаги фаоллиги ошишига ишонч ва умид уйғотди. Бундай ҳолатни 18-умумтаълим мактабида ҳам кўриш мумкин.

Афсуски, тумандаги 19-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ҳақида ижобий фикр айтиш қийин. Ўтган йили билимлар беллашувининг учинчи босқичида ушбу мактабдан иштирок этган 10 нафар ўқувчининг бирортаси ҳам совринли ўрин

эгаллай олмади. Ачинарлиси, уларнинг барчаси 1-босқич кўрсаткичларидан анча паст натижа қайд этган. Масалан, математика фанидан 6-синф ўқувчиси Давлатёр Тожибоев мактаб босқичида 78 балл олган бўлса, вилоят босқичида атиги 14 балл тўплай олган. Ёки инглиз тили фанидан 7-синф ўқувчиси Ирода Норқўзиева мактаб босқичида 88 балл, вилоят босқичида эса 29 балл йиққанга нима дейсиз?! Мутахассислар томонидан ҳолат ўрганилганда, беллашувнинг 1-, 2-босқичларида ўқувчилар билимини баҳолашда адолатсизликка йўл қўйилгани аниқланди. Дастлабки синов натижалари сунъий йўл билан кўтариб юборилган, деган хулосага келинди. Натижада, ихтисослашган мактаб республика бўйича 330-ўринга тушиб қолган (352та ихтисослаштирилган мактаб орасида). Жамоадаги ижодий муҳитни яхшилаш мақсадида директор ишдан бўшатилди. Аҳолини ўнлаш учун амалга оширилаётган тадбирлар ва

билимлар беллашуви мактаб босқичи ҳужжатлари билан та-нишмоқчи бўлганимизда директор вазифасини бажарувчи Улуғбек Татлибоевдан бошқа ҳеч кимни учратмадик. У «ҳозир ҳамма ўқитувчилар меҳнат таътилида. Уларни безовта қилиб чақири олмайман» дейишдан нарига ўтмади.

Шу ўринда бизни яна бир масала ташвишга солди. Билимлар беллашувида тузукроқ натижа кўрсатолмаган мактаб жамоаси нега бу қадар хотиржам? Ахир, таътил кунлари ўқувчиларнинг қобилиятини юзага чиқариш учун ҳаракат қилиш, жилла курса хоҳловчиларга қўшимча машғулот ўтиш мумкин-ку! Қолаверса, Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган июль — «Халқ таълими муассасаларини мустақиллик байрами, янги ўқув йили ва куз-киш мавсумига тайёр ҳолатга келтириш ойлиги» ушбу мактаб жамоасига тегишли эмасми? Бундай ачинарли аҳволга гувоҳ бўлган, фан ва спорт тўғарақлари фаолиятининг қандай ташкил этилгани ҳақида фикр билдиришга ҳам ожизмиз. Мазкур илм масканидаги жимжитлик ва сукунат тез орада тарқаб, янги-ча муҳит ҳукмрон бўлишига умид қиламиз.

Абдусаттор СОДИКОВ,
"Ma'rifat" мухбири

МЕТОДБИРЛАШМАЛАР ФАОЛ БЎЛСА...

Адабий тил софлиги нутқий саводхонлик билан боғлиқ. Бежиз «Тил — миллат кўзгуси» дейилмайди. Аммо кўп ҳолларда ўқувчилар ва ҳатто ўқитувчилар нутқида ҳам турли нуқсонлар кузатилади. Мулоқот жараёнида ўзимиз сезиб-сезмаган ҳолда бунга бефарқ қараб, ўқувчилар нутқий саводхонлигининг пастлигига кўникиб қолаётгандекмиз.

Бу эса она тили ва адабиёт методбирлашмалари фаолиятини ҳозирги кун талаблари асосида такомиллаштириш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва омалаштиришни тақозо этади. Фанни ўқитиш сифатини ошириш билан боғлиқ долзарб масалаларни муҳокама қилиш, илмий-методик янгилекларни мунтазам тарғиб этиш, ўқитувчилар маҳоратини ривожлантириш соҳа мутасаддилари олдидаги муҳим вазифа ҳисобланади. Бу борада Фаллаорол туманидаги 44-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани методбирлашмаси туман мактабларига намуна бўлишга арзийди.

Зебо Пардаева раҳбарлигидаги методбирлашма ййилишларида она тили ўқув материалларини янги дастурга мувофиқ режалаштириш, ўқув-мавзу режасига мослаштирган ҳолда амалдаги дарсликлардан фойдаланиш масалалари атрофлича муҳокама қилинади. Йиллик иш режага кўра, «Она тили дарсларида муаммоли таълим», «Ўқувчилар саводхонлигини ошириш йўллари», «Иншо ва саводхонлик», «Ўқувчилар нутқини ўстириш устида ишлаш», «Она тили дарсларида ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини ошириш» каби долзарб мавзуларда маърузалар, очик дарслар ташкил этилди.

Методбирлашма аъзоси Феруза Бурхонова она тили ва адабиёт дарсида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш кўникмасини ўстиришга, боғланишди нутқ малакаларини шакллантиришга алоҳида эътибор беради. Педагогнинг тажрибаси туманда омалаштирилмоқда. Феруза тил таълимини нафақат дарс довомида, балки синфдан ва мактабдан ташқари ўтказиладиган тарбиявий тадбирлар асосида ҳам

олиб боради. Дарсларда ўтган мавзунини сўраш, янги мавзунинг баёни ва берилган билимларни мустақамлаш жараёнида кўргазмалардан кенг фойдаланилади. Муаллима ўқувчилар билан бирга 600дан ортиқ кўргазмасини альбомлаштирган.

Методбирлашма аъзолари ўқувчиларга чуқур билим бериш, уларни мантикий фикрлаш ва ўзбек адабий тили меъёрларига риоя қилган ҳолда сўзлашишга ўргатиш мақсадида «Сўз мулкига саёҳат» (этимологик луғат тахтаси), «Ниҳол» ёш ижодкорлар деворий газетаси, «Ўқинг, қизиқ!..» (адабиёт олами янгилеклари), «Буни эсда тутинг!» (имлоси қийин сўзлар тахтаси) каби фан бўйлақларини ташкил этишган.

Айниқса, таълимда узвийлик ва ҳамкорликни таъминлаш учун бошланғич синф ўқувчиларининг билими, саводхонлиги, оғзаки ва ёзма нутқи синчиклаб ўрганилиб, камчиликларни бартараф этиш учун ўқувчиларга методик ёрдам кўрсатилади. Бу каби изланишлар ижобий самара бермоқда. Ўқувчиларнинг саводхонлик даражаси ортаёғгани турли танловларда эришяётган ютуқларида намоён бўлмоқда. 9-синф ўқувчиси Янглиш Исломова, фан олимпиадасида, 7-синф ўқувчиси Мохинур Жонзоқова билан бирга беллашувда вилоят миқёсида фахрли ўринларни кўлга киритди. 6-синф ўқувчиси Муштарий Рашидова «Энг фаол китобхон» кўрик-танловининг вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида муваффақиятли қатнашди.

Акмал АБДУЛЛАЕВ,
Жиззах вилояти
ПКҚТМОИ
«Тил ва адабиёт таълими»
кафедраси ўқитувчиси

Мактаб миллат келажagini белгилайдиган муқаддас даргоҳ, бу ерда Ватанинг эртанги истиқболини ҳал қилувчи куч — ёш авлод таълим-тарбия олади.

Бугунги кунда Наманган вилоятида 688та умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, 23таси давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати, 11таси махсус мактаб-интернат ҳисобланади. Жумладан, Мингбулоқ туманидаги 13-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатида 440 нафар ўқувчига 41 нафар ўқитувчи илм-маърифат, ахлоқ-одобдан сабоқ бериб келмоқда. Ушбу таълим муассасаси эришган ютуқлари ва тўплаган бой тажрибаси

зилган «Энг яхши мактаб» танловида ҳам етакчилигини кўлдан бермади. Ҳозирги кунда мактаб-интернатнинг 20 нафардан ортиқ ўқувчиси халқаро дастурларда ғолиб бўлиб, бир қатор ривожланган хорижий давлатларда таълим олмоқда.

Албатта, бу каби натижаларга ўз-ўзидан эришилмади. Таълим жараёни илғор усуллар, замонавий педтехнологиялар асосида олиб борилаётгани ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларининг янада ошишида

ва уларнинг касб малакасини оширишга устувор вазифа сифатида қаралади...

13-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатида фаолият юритаётган юқори малакали, билимли ва фидойи педагоглардан бири она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Санобар Абдурахмоновдир. У 15 йиллик меҳнат фаолияти давомида ўзининг саъй-ҳаракати, илму тафаккури билан бой тажриба орттирди. Ўқувчилари фан олимпиадаларида, турли кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб, туман, вилоят, республика миқёсида ғолибликни кўлга киритмоқда. Жорий йилги фан

МАМЛАКАТГА МАШҲУР МАКТАБ



билан мамлакатимиздаги нуфузли мактаблардан саналади.

Мактаб-интернат 2006-2007 ўқув йилида «Йилнинг энг яхши мактаби» танловининг республика босқичида фахрли 3-ўринга лойиқ кўрилди. Муассасанинг «Парвоз» жамоаси 2010 йили республика хор жамоалари кўрик-танловида ғолиб бўлди. 2011 йили эса мактаб-интернатнинг электрон портали «Энг яхши мактаб сайти» танловининг республика босқичида 1-ўринни кўлга киритди. Таълим маскани 2011 йили вилоят ҳокимлиги томонидан ўтказилган

муҳим аҳамият касб этмоқда.

Муассасада нафақат таълим-тарбияга, балки болаларнинг саломатлигига ҳам жиддий эътибор қаратилади. Бунинг учун ўқувчиларнинг спорт билан шугулланиши учун барча қулайликлар яратилган бўлиб, мунтазам равишда турли мусобақалар, турнирлар ташкил қилинади.

Қолаверса, ҳар ўқув йили бошида ўқувчилар чуқур тиббий кўрикдан ўтказилиб, турли юқумли касалликларга қарши эмланади.

Энг муҳими, муассасада педагог ходимларни танлаш

олимпиадаларида 3 нафари туман, 1 нафари вилоят босқичида 1-ўринни эгаллади.

Устознинг самарали меҳнати муносиб баҳоланиб, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида 1-ўринга сазовор бўлди.

Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди, ҳар бир ўқув масканида ана шундай малакали кадрлар сони тобора ортиб бораётгани юртимизда таълим-тарбия соҳасининг порлоқ истиқболдан дарак беради.

Баҳодир МҲМИНОВ,
журналист

ШИФОБАХШ БУЛОҚ ЁНИДАГИ ТАЪЛИМ МАСКАНИ

Мактабнинг нуфузи ўқувчиларининг билими билан белгиланади. Андижон вилояти Балиқчи туманидаги физика-математика фанларига ихтисослаштирилган 38-мактабни битирган йигит-қизлар бугунги кунда нафақат республикаимиздаги, ҳатто хориждаги университетларда таҳсилни давом эттираётир. Музаффар Ашуралиев АҚШнинг Флорида штати, Камолиддин Қосимов Иллинойс штатидаги университет магистрантлари бўлса, Низомиддин Исроилов Голландияда таълим олмоқда. Билимлар беллашувининг вилоят босқичида бу маскандан беш нафар ўқувчи биринчи ўринни кўлга киритди. Республика босқичида эса бир нафар ўқувчи биринчи ва икки нафар

ўқувчи иккинчи ўринни эгаллади. Мактабдаги ижобий муҳит пойдеворини ҳозир кесалик гаштини сураётган М.Имомов, Т.Дармонов, М.Абдуллаева, М.Умарова каби фидойилар кўйган десак адашмаймиз. Мактабнинг бугунги жамоаси устозлар ишини давом эттириб, катта ютуқларга эришмоқда.

Фидойи ва жонкуяр устоз Мирзапўлат Имомов кўп йиллар давомида ушбу таълим даргоҳида раҳбарлик қилиб, ёшларга ҳар томон-

лама ибрат бўлди. Унинг айтишича, мактабда «Устоз-шогирд» аънарасига алоҳида эътибор қаратилади. Тажрибали мураббийлар ёш ўқитувчиларга касбий маҳорат сирларини ўргатишда замонавий педагогик технологиялардан самарали фойдаланишади. Бундан ташқари, фан ўқитувчилари инновацион технологиялар ва кўргазмалар материаллар билан дарс ўтишини таъминлайдилар. Улар машғулотга қўшимча ўқув қуролсиз келган педагогнинг қафасидаги қушга қийслайдилар.

— Шогирдларим уйимга тез-тез келиб туришди, — дейди М.Абдуллаева. — «Устоз, талаба бўлдим, бу сизнинг меҳнатингиз самараси», «Фалон жойга ишга жойлашдим, раҳмат сизга!» деган сўзларни эшитганимда кўзимга ёш келади, шогирдлар камолини кўришдек бахтга муяссар бўлганимдан беҳад қувонаман.

Дарҳақиқат, таълим масканининг шифобахш булоқ ёнида жойлашганида ҳам рамзий маъно бордек. Илмга чанқоқ ёшлар чашма сувидан қониб ичгани каби билим булогидан ҳам ташналигини қондириб, ҳаётда ўзларининг муносиб ўринини топмоқда.

Орифжон СИДДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Глобаллашув жараёни мамлакатимиз кенг жамоатчилигининг диққат-эътиборини кечиктириб бўлмайдиган вазифа — юрт истиқболини ўз тақдири билан боғлиқ ҳолда кўрадиган, Ватан равнақи учун бор имкониятини ишга соладиган, юксак интеллект ва касбий маҳоратни ўзида мужассам этган шахсни вояга етказишдек эзгу мақсадга йўналтирмоқда. 2012 йилнинг Президентимиз томонидан «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши халқимизнинг фарзанд тарбиялаш борасидаги эзгу сазй-ҳаракат ҳамда орзу-истакларига ҳамоҳанг бўлди. Юртбошимизнинг «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарориди «жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш ва шу мақсадда оила институтининг таълим ҳамда тарбия муассасалари билан ўзаро амалий ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш» зарурлиги алоҳида қайд қилинган.

лигининг узвийлигини, самарадорлигини таъминлаш заруриятидан келиб чиққан ҳолда, мазкур концепция мазмун-моҳиятини янада чуқурлаштириш, қамровини кенгайтириш вазифаси кун тартибига қўйилди.

Ёшлар онги учун кечаётган кураш, «оммавий маданият»нинг зарарли кўринишлари авж олган, ёт гоа ва мақсадларга қарши жамоатчилик кучини бirlaштириш, фарзандларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш долзарб бўлиб турган бир пайтда ушбу концепциянинг аҳамияти жуда катта. Буни чуқур тушунган ҳолда ватанимиз тараққиётига дахлдор бўлган мазкур масалага кенг жамоатчилик ҳайрихоҳлик билдирмоқда. Бундай дейишмига сабаб, Тошкент шаҳридаги 11та умум-

2012-yil — Mustahkam oila yili

бўлган давридаги жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланишини таъминлашга қаратилган жараёни ташкил қилиш, «Яшан-балик мактаблари» фаолиятини йўлга қўйиш; учинчи босқичда болаларнинг 6—11 ёшлик даврида жисмоний, маънавий ва ижтимоий шаклланишига қаратилган барча имкониятларни ишга солиш; тўртинчи босқичда ўсмирларнинг (11—16 ёш) қизиқиши, билимга чанқоқлиги, ақл-заковатини ҳисобга олган ҳолда уларни ижтимоий фаолиятга тортиш, жисмоний соғлом бўлишини таъминлаш, касб-ҳунарга йўналтириш, жамиятдан ўз муносиб ўрнини то-

Концепцияни амалга татбиқ этиш билан боғлиқ ташкилий ишлар тугаллангач, ҳамкорлик жараёнининг мазмун ва йўналишларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ўтказиладиган тadbirlar ҳар томонлама пухта, ёшларга мос педагогик ва психологик руҳда, мантиқан теран, қизиқarli ва кўргазмali, таъсирчан, оmmabop, амалий жиҳатдан қисқа ва лўнда, эстетик тоmondan жозибали бўлса, кўзланган мақсадга оson-лик билан эришилadi. Шу ўринда ҳар бир таълим муассасасида фаолият кўрсатувчи «Ота-оналар университети» ишини тўртта (маънавий-маърифий, ижтимоий-иқти-

ЖАМОАТ КЕНГАШИ

оила—маҳалла—таълим муассасаси ҳамкорлигини кучайтириб, баркамол авлодни вояга етказишга ҳисса қўшади

Жамолiddин Камолов, Халқ таълими вазирлигининг маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи ўринбосари:

— «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2012 йил 19 июнда Вазирлар Маҳкамасининг «Баркамол авлодни тарбиялашда оила институтини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 175-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан, Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунаар таълими маркази ҳамда «Маҳалла» ҳайрия жамоат фондидининг «Оила—маҳалла—таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамоат кенгаши фаолиятига асос солинди. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Жамоат кенгаши таркиби ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳузуридаги ҳудудий жамоат кенгашларининг намунавий таркиби тасдиқланди.

Жорий йилнинг 19 июль кунини Жамоат кенгашининг дастлабки йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳамкорлик механизминини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси белгиланди. Ҳудудий жамоат кенгашлари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида кенгаш аъзолари ҳудудларга бириктирилиб, масъул вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда амалга оширадиган ишлар бўйича тақдим этиладиган маълумотнома шакли тасдиқланди.

Йиғилиш қарори билан тасдиқланган Жамоат кенгаши низоми оила—маҳалла—таълим муассасаси ҳамкорлигини йўлга қўйишдаги асосий ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, ҳудудий жамоат кенгашлари фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларга кўмаклашиш мақсадида «Баркамол авлодни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги концепцияси» ишлаб чиқилди.

Жамоат кенгаши вазифалари сирасига оила, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунаар таълими муассасалари ва маҳалла ҳамкорлигининг самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш; ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтиришга доир услубий асосларни яратиш; ота-оналарнинг

фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, масъулияти ва уларнинг фарзандлар билан муносабатларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш; таълим муассасаларидаги таълим-тарбия сифатини ўрганиш ва янада такомиллаштиришга оид тadbirlarни амалга ошириш; қонунчилик талабларидан келиб чиқиб таълим муассасаларига яқин ҳудудларда алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари сотилишига йўл қўймаслик бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш; таълим тизимидаги ислохотлар ҳақида ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг доимий маълумотга эга бўлишини таъминлаш; ўқувчи-ёшларнинг зарарли одатлар йўлига киришига сабаб бўлаётган омилларга қарши маънавий профилактика тadbirlarни амалга ошириш; таълим-тарбия жараёнини ҳамда ушбу соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан тақлифларни белгиланган тартибда тегишли давлат органларига кириштиш; ҳудудий жамоат кенгашлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш каби масалалар киради.

Ҳозирда жамоат кенгаши фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ҳудудларга бириктирилган маъсуллар иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда ҳудудий жамоат кенгашларининг йиғилишлари ўтказилмоқда.

Ҳамидулла Йўлдошев, педагогика фанлари доктори, профессор, «Баркамол авлодни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги концепцияси» муаллифи:

— Мустақиллиكنинг илк йиллари, яъни 1993 йилда «Оила—мактаб—маҳалла» ҳамкорлик концепцияси ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этиш юзасидан Тошкент шаҳридаги мактабларда уч йил мобайнида тажриба-синои ишлари ташкил этилган эди. Жараёнда билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда, концепция янада такомиллаштирилиб, республикаимизнинг барча умумтаълим мактаблари фаолиятига жорий этилди.

Бугунги кунда тараққиётнинг жадал суръати, дунёда юзгага келаятган ижтимоий-маънавий муҳит таълим-тарбия борасидаги ишларимизни ҳам янада такомиллаштириб боришимизни тақозо этмоқда. Ёшлар таълим-тарбиясида кенг жамоатчилик ҳамкор-

таълим мактабиди шу йўналишда ушқоқлик билан олиб боришган сазй-ҳаракатлар натижасида кўпгина ютуқлар қўлга киритилди. Олайлик, Бектемир, Мирзо Улўбек, Миробод, Сергели ҳамда Ҳамза туманларидаги бир қатор умумтаълим мактаблари педагогика кенгаши ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғини раислари ҳам аъзо ёки мажлис раҳбарлари маҳалла фуқаролар йиғини фаоли саналади. Фарзанд тарбиясида муваффақиятларга эришаётган оилалар тажрибасини оммалаштириш мақсадида ахсият мактаб ва маҳалла гузарларида махсус стендлар ташкил этилган. Юқори синф, коллеж ҳамда академик лицей ўқувчилари ўз маҳалласини ободонлаштириш, тўймаъракаларни ўзбекона руҳда, қамчиқим тарзда ўтказишдек ишга жалб қилиниши ҳам эришилаётган ютуқлардан бир шингилдир. Концепциянинг тўб мазмун-моҳиятини тушунган ва бу борада изчил иш олиб бorgan таълим даргоҳларида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар умуман содир этилмаган.

Табийки, янада такомиллаштирилган «Баркамол авлодни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги концепцияси» аввалгисидан қайси жиҳати билан фарқланади, деган савол кўпчилиكنи қизиқтиради. Аввало шуни айтиш мумкинки, концепцияда илгари сурилган гоалар илмий-ҳаётий характерда бўлиб, халқимизнинг кўп асрлик кадриятлари устувор аҳамият касб этади. Ҳужмалдан: ўсиб келаятган фарзандларимизни умуминсоний кадриятлар ва миллий анъаналар руҳида тарбиялаш, уларда юксак инсоний сифатларини қарор топтириш, онгую қалбини мафкуравий ва маънавий таҳдидлардан ишончли ҳимоя қилиш, гоъвий иммунитет ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш тамойиллари (таълим-тарбия жараёнида ҳамкорлик ҳаракатида иш бirlиғи, тарбияланувчига ҳурмат ва тарбиянинг уйғунлиғи, субъектларнинг тенг ҳуқуқчилиғи ва юксак масъулиятчилиғи, миллат ва давлат манфаатларининг устуворлиғи, жараёнининг илмийлиғи); ҳамкорлик ишларини босқичма-босқич амалга ошириш, яъни илк бор ёш оила соҳибларига фарзанд ва унинг тарбияси ҳақида педагогик, тиббий тушунча бериш, тиббиёт ходимларини бу ишга жалб қилиб, ибратли оилалар тажрибаларини тарғиб-ташвиқ этиш; кейинги босқичда боланинг мактабгача

пишига кўмаклашиш, ўз хатти-ҳаракатлари учун қонун, жамоатчилик ҳамда ота-она олдидаги жавобгарлик туйғусини шакллантириш; бешинчи босқичда 16 ёшдан кейинги даврда фарзандларимизнинг дунё андозаларига мос билим олишлари, касбни тўғри танлаши, ихтисослиғи бўйича иш билан таъминлаш, иқтисодий мустақил бўлишларига ёрдамлашиш, Ватан ва давлат олдидаги фуқаролик бурчини адо этишга ундаш, мустақил оила қуришга йўланма бериш каби кўпжаб вазифалар белгиланган.

Аввалги концепцияда фақат мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги ҳақида гап кетган бўлса, ҳозирда амалга жорий этилаётган концепцияда мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунаар таълими ва олий таълим бир бутунлиқда қамраб олинган. Чунки узлуқсиз таълимнинг барча бўғинларида фарзандларимиз мустақил ҳаётга тайёрланади. Шунга ҳамоҳанг тарзда таълим муассасаси ва маҳалла ўртасидаги ҳамкорликдан кўзланган мақсад ҳам баркамол авлодни тарбиялаш вояга етказишдан иборат.

Концепцияда кўзда тутилган яна бир ўзига хослик — ҳамкорлик кенгашининг тузилишидир. Унинг таркибига маҳалла фаоллари, бошқаларга намуна бўла оладиган ота-оналар, таълим муассасаларининг тажрибали педагоглари, барча синф (гурӯҳ) раҳбарлари, ота-оналар кўмитаси раислари, профилактика нозир, маҳалла посбонлари, йўл-патрул хизмати ходимлари, маҳалладаги диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилари, ҳомийлар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари, Хотин-қизлар кўмитаси вакиллари, касаба уюшма раислари киритилиб, улар орасидан юксак маънавиятли, ташаббускор, ижодкор, тadbirkor, кўп йиллик ҳаётий тажрибага эга шахс раисликка сайланади. Кенгашининг биринчи йиғилишида аъзоларнинг ҳар бирига ўз вазифаси тушунтирилади, улар концепция мазмуни билан таништирилади. Шунингдек, йиллик иш режа ишлаб чиқилиб тасдиқланиши лозим.

Ҳар қандай янги ишни бошлашда аввалдан тўпланган тажриба асос қилиб олинади. Шу маънода ҳаёт чигиринидан ўтиб, замон талаблари асосида такомиллаштирилган мазкур концепция жамиятимиз ҳаётида устувор аҳамиятга эга вазифа — баркамол авлодни вояга етказишга муносиб ҳисса қўшадиغان муҳим манба бўлиб қолади.

Ҳулкар ТҶИМАНОВА ёзиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим ТУРКМАН тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2012-2013 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар РЎЙХАТИ

Т.р.	Дарслик ва ўқув қўлланма номи	Муаллифи	Нашр этилган йили	Таъминланиш ҳолати					
1-синф					11	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2009	ижара
1	Алифбе (Harplyk)	Қ.Абдуллаева ва б.	2012	беғул	12	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара
2	Ёзув дафтари (Harplyk depderi)	К.Холлиев	2012	беғул	13	География	А.Соатов ва б.	2009	ижара
3	Она тили (Ene dili)	Г.Абдуллаева ва б.	2012	беғул	14	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2009	ижара
4	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	Г.Абдуллаева ва б.	2012	беғул	15	Конституция оламига саёхат	В.Костецкий ва б.	2008	кутубхона фонди
5	Математика	М.Аҳмедов ва б.	2012	беғул	16	Мусиқа	С.Бегматов ва б.	2008	кутубхона фонди
6	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	2012	беғул	17	Жисмоний тарбия (5-6с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди
7	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц	2012	беғул	7-синф				
8	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2012	беғул	1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
9	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	2012	беғул	2	Туркман тили (Turkmen dili)	М.Ханматов ва б.	2009	ижара
10	Мусиқа	Х.Нурматов ва б.	2012	беғул	3	Адабиёт (Edebiyat)	Г.Суюнова ва б.	2009	ижара
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2012	беғул	4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
12	Конституция алифбоси	О.Каримова	2008	кутубхона фонди	5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Цой ва б.	2009	ижара
2-синф					6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2009	ижара
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2012	ижара	7	Француз тили	В.Бухин ва б.	2009	ижара
2	Она тили (Ene dili)	Г.Абдуллаева ва б.	2012	ижара	8	Ўзбекистон тарихи	А.Мухаммаджонов	2009	ижара
3	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	Ш.Абдуллаева ва б.	2012	ижара	9	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2009	ижара
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара	10	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2009	ижара
5	Математика	Н.Абдурахмонова ва б.	2012	ижара	11	Геометрия	А.Азамов ва б.	2009	ижара
6	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2012	ижара	12	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2009	ижара
7	Одобнома	Р.Толипова ва б.	2010	ижара	13	Кимё	И.Асқаров ва б.	2009	ижара
8	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара	14	География	П.Фуломов ва б.	2009	ижара
9	Мусиқа	Х.Нурматов ва б.	2010	ижара	15	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	М.Қаршибоев ва б.	2011	ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара	16	Конституция оламига саёхат	В.Костецкий ва б.	2007	кутубхона фонди
11	Конституция алифбоси	О.Каримова	2007,2008	кутубхона фонди	17	Зоология	О.Мавлонов	2009	ижара
12	Меҳнат таълими *	Ҳ.Санакулов ва б.	2012	очиқ савдо	18	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2009	ижара
3-синф					19	Тасвирий санъат	А.Сулаймонов ва б.	2005	кутубхона фонди
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2012	ижара	20	Мусиқа	О.Иброҳимов ва б.	2006	кутубхона фонди
2	Она тили (Ene dili)	Г.Абдуллаева ва б.	2012	ижара	21	Жисмоний тарбия (7-8с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2007	кутубхона фонди
3	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	Ш.Абдуллаева ва б.	2012	ижара	8-синф				
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара	1	Ўзбек тили	Ҳ.Мухиддинова ва б.	2010	ижара
5	Математика	С. Бурхонов ва б.	2012	ижара	2	Туркман тили (Turkmen dili)	Х.Аразқиличева ва б.	2010	ижара
6	Табиатшунослик	А.Бахромов	2012	ижара	3	Адабиёт (Edebiyat)	Н.Гурбанбердиев ва б.	2010	ижара
7	Одобнома	М.Холиқова ва б.	2012	ижара	4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
8	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара	5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
9	Мусиқа	Х.Нурматов ва б.	2010	ижара	6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2010	ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара	7	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З. Абдушукурова ва б.	2010	ижара
11	Конституция алифбоси	О.Каримова	2007,2008	кутубхона фонди	8	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2011	ижара
12	Меҳнат таълими *	Ҳ.Санакулов ва б.	2012	очиқ савдо	9	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	2010	ижара
4-синф					10	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	2010	ижара
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2011	ижара	11	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	2010	ижара
2	Она тили (Turkmen dili)	А.Қодиров	2011	ижара	12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
3	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	А.Қодиров ва б.	2011	ижара	13	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
4	Математика	М.Алиев ва б.	2011	ижара	14	Геометрия	А.Раҳимқориев	2010	ижара
5	Русский язык	Н.Бикбаева ва б.	2011	ижара	15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
6	Табиатшунослик	А.Бахромов	2011	ижара	16	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
7	Одобнома	М.Холиқова ва б.	2011	ижара	17	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2010	ижара
8	Мусиқа	О.Иброҳимов	2011	ижара	18	География	П.Мусаев ва б.	2010	ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2011	ижара	19	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	Р.Қўқор ва б.	2011	ижара
5-синф					20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2011	ижара	21	Жисмоний тарбия (7-8с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2007	кутубхона фонди
2	Туркман тили (Turkmen dili)	Г.Суюнова ва б.	2011	ижара	9-синф				
3	Адабиёт (Edebiyat)	К.Раззоқова ва б.	2011	ижара	1	Ўзбек тили	А.Рафиев	2010	ижара
4	Русский язык	О.Қодирова	2011	ижара	2	Туркман тили (Turkmen dili)	И.Аразов ва б.	2010	ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2011	ижара	3	Адабиёт (Edebiyat)	Г.Велбегов ва б.	2010	ижара
6	Немис тили «Deutsch»	М.Қиёмова ва б.	2011	ижара	4	Русский язык	Ю.Азизханова ва б.	2010	ижара
7	Француз тили "Bonjour la France"	А.Носиров ва б.	2011	ижара	5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
8	Тарихдан ҳикоялар	У.Жўраев ва б.	2011	ижара	6	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	2010	ижара
9	Математика	Б.Ҳайдаров	2011	ижара	7	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	2010	ижара
10	Информатика	Д.Қамолитдинова	2012	ижара	8	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2010	ижара
11	Табиий география бошланғич курси	П.Фуломов ва б.	2011	ижара	9	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллаев ва б.	2010	ижара
12	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2011	ижара	10	Конституциявий ҳуқуқ асослари	Г.Тансиқбаева ва б.	2010	ижара
13	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара	11	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
14	Мусиқа	А.Мансуров ва б.	2005	кутубхона фонди	12	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
15	Жисмоний тарбия (5-6с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди	13	Геометрия	Б.Ҳайдаров ва б.	2010	ижара
16	Конституция оламига саёхат	В.Костецкий ва б.	2008	кутубхона фонди	14	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2011	ижара
6-синф					15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2009	ижара	16	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
2	Туркман тили (Turkmen dili)	М.Ханматов ва б.	2009	ижара	17	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	2010	ижара
3	Адабиёт (Edebiyat)	Р.Қиличев ва б.	2009	ижара	18	Жаҳон иқтисодий – ижтимоий географияси	А.Қаюмов ва б.	2010	ижара
4	Тарих	А. Саъдуллаев ва б.	2009	ижара	19	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2011	ижара
5	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2009	ижара	20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
6	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2009	ижара	21	Жисмоний тарбия	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	кутубхона фонди
7	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2009	ижара					
8	Француз тили	З.Абдушукурова ва б.	2009	ижара					
9	Математика	М.Мирзааҳмедов ва б.	2009	ижара					
10	Физика	Н.Турдиев	2009	ижара					

Йўқлов...

Одам билан тирикдир одам. Бир-бирига меҳри, қадри билан тирик. Йўқлаши билан тирик...

Эрта тонг. Дарвоза тақиллади. Кўшни қиз кирди:

— Ассалому алайкум. Хумора мактабга борадими? Бирга кетмоқчи эдик.

... Ўқитувчи дарсни йўқламадан бошлади:

— Бугун дарсда ким йўқ?

— Хумора.

— Нега, касалми?

Бугун дарсдан сўнг

йўқлаб келамиз...

Болаларни бир-бирига оқибатли этиб тарбиялаш керак. Дўстликнинг асл қоидаси шундай. Инсон — иссиқ жон, бирдан йўталиб, аксириб, оғриб қолади.

Ишхонадан тез-тез кўнгирок бўлади:

— Вой сизга нима бўлди?

Соғингингиз жойидами, яхшимисиз? Сизсиз ҳаммаёқ хувиллаб қолди. Ҳама саalom айтаяпти. Тезроқ тузалинг, ишга қайтинг.

Қиз бола ота-онасига ҳаммаша меҳрибон: уйда ҳам, кўчада ҳам. Ҳатто турмушга чиққандан кейин ҳам тез-тез йўқлаб туради. Йўқла-

ганда ҳам куруқ қўл билан келмайди. Бирида онасининг бошига рўмол ташлаша, бирида отасининг оёғига пайпоқ келтиради. У яқинларини йўқламай қўйишдан эмас, йўқотишдан қўрқади.

Қариндошлар бир-бирини йўқлаб боришади.

— Яхшимисизлар, бормисизлар? Меҳмонга келдик, ош пишдимми?..

Ҳазил-хузул бошланади. Бу уларнинг бир-бирига яқинлигидан далолат.

— Хуш келибсизлар, қани ичкарига, — дея мулозаматлар кўрсатилади.

Кўни-кўшни бир коса овқат билан йўқлаб киради:

— Яхшимисизлар, бормисизлар, тинчмисизлар? Кечадан буён кўринмайсизлар. Бир йўқлай дедим.

Боболар, момолар ўз яқинларини доимо эслашди ва йўқлашади: «Сўраб қўй, салом айт. Келиб туришин», дея қайта-қайта такоррляшади.

Сиз ҳам ўз яқинларингизни йўқлаб турибсизми? Уларни доимо йўқланг, йўқлаганни Худо йўқлайди.

Оу



Устоз кўнгли

Йўлаб кўринг, устозсиз инсон борми? Табиийки, бу саволимга ҳар ким бир хил жавоб беради — йўқ! Ҳаёт йўлингизни топишда бир ҳарф ўргатган инсон — устоз! Ҳа ҳақиқий маънодаги устоз бу — қўлимиздан тутиб, илм сарҳадларига дадил қадам ташлашни ўргатган инсондир.

Болалик, ўқувчилик йилларингизни эслаб кўринг. Кўнглингизда ҳаяжон ва зўр энтиқишни туйасиз. Завқланиб гапира

бошлайсиз. Устозларнинг «Тўғри юр, тўғри тур, одобли бўл», деган ўғитлари ёдингизга тушади. Ҳамиша шогирдлар камолотидан фахрланиб, бўйларингиз бўйларига етганда ҳам сизни худди ўз ўғил-қизидек кўришади. Улар нафақат шодлик онларингизда, балки бошингизга ташвиш тушганда ҳам ўз ёрдами аямасиз. Ютуқларингиздан беминнат, бегараз қувонишади.

Сизга таълим-тарбия

берган, ҳаётда ўз йўлингизни топишга қўмаклашган устозлар ҳам ширин сўзга, эътиборга муҳтож. Балки сиз бугун оддий бир касб эгаси, амалдор ёки ишбилармондирсиз. Балки ҳаёт ташвишлари билан банддирсиз. Лекин биргина ўтинчим — устозларингизни эсланг, улардан эътиборингизни, бир оғиз ширин сўзингизни аяманг.

Жонимизнинг қариндошлари — устозларимиз омон бўлишсин!

ФИЖРАЛАР

Қарз

Одамлар негандир: «Дардинг бўлса-бўлсин, қарзинг бўлмасин», дейишади. Муҳтожлик ҳар бошда, ҳар ёшда бор. Турмушнинг мушти қаттиқ. Имкон, илож йўқ, баъзан қарз олиш керак...

Минг илтимос, минг ўтинчлар билан келишади. Ўртага танишларини қўйишади. «Гувоҳликка ўтади», дейишади. Тилхатлар ёзиб беришади. «Албатта қайтараман, муддатидан бир кун ҳам ўтказмайман», дея онт ичишади. Пулни олишади-ю, қочишади. Қарз берган: «Ўз қўлим билан берган эдим. Энди оёғим билан юғуриб юрибман. Дардимни кимга айтай?» — дейди.

— Бераман-да, қочиб кетаяпманми? — дея бепарво гапиради қарз олган. — Бир вақтлар мен ҳам унга яхшилик қилганман. Энди барини унутиб, дарров пулини сўраяпти... — дея ўзини тинчлантирган бўлади яна.

Бугун кўчада одамлардан: «Бировга қарз берма, барибир алдаб кетади, олишга

олади-ю, беришга келганда кундузи чироқ ёкиб ҳам тополмайсан», — деган гапларни тез-тез эшитиб қоламиз. Эҳтимол, улар ҳақдир.

Нотаниш одам эшик қоқди:

— Даданг борми, анчадан буён тополмайман. Уйларингга келишга мажбур бўлдим. Қарзи бор эди...

Ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо(с.а.в.)нинг қизи Фотимаи Заҳро жон таслим этгач, турмуш ўртоғи ҳазрат Алининг тушига киради. Тушда рафиқаси жаннатга кира олмай, эшик ёнида турган эмиш. Сабабини сўраса: «Тириклигимда кўшни аёлнинг игнасини олиб қайтармагандим», — дебди.

Елкасида қарзи бор экан. Эртаси кўни ҳазрат Али игнани топиб, кўшни аёлга олиб чиқибди. Ўша кўни тушида Фотимаи Заҳра жоннатда кўрган экан.

Демак, қарз олинса, қайтармоқ шарт! Йўқса, гуноҳи жуда оғир, кечирилмас бўларкан...

Одам борки, оиласи бор. Оила борки, қора қозони бор. Қора қозон ҳақида ёзаётганимга қулманг. Ҳаётни қора қозонсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Одамлар азал-азалдан бир-бирлари билан ҳолаҳвол сўрашгач:

— Қора қозон қайнаптими? — деб қўйишади.

Оддий ўчоқ, устида қора қозон. Олов ловиллаб ёнади. Шўрва биқирлаб қайнайди. Хушбўй ҳиди

иштахани очади. Қани, бир коса қўйиб беришса.

— Болам, пешона теринг билан ҳалол пул топ. Қора қозонингга ҳалол масаллиқ ташла. Ошинг ҳам, қилган ишинг ҳам ҳалол! Вижлонинг олдида бошинг ҳам, тилинг қисқ бўлмайди.

Ўзбеклар йиғиб-йиғиб тўй қилишади. Тўйга аввал дошқозон келтирилади. Ошга алоҳида, шўрвага ало-

Қора қозон

ҳида. Тўйбоши қозон бўлади. Тўй кўни ошпазнинг қўли қўлига тегмайди. Қозонда тайёрланган ошлар элу халққа тарқатилади.

Аёллар борки, ҳаммаша хоҳ кўчада, хоҳ ишда, хоҳ бозорда бўлсин, уйларига шошилишади. Тезроқ овқат қилай, қозонимни қайнатай, дейди. Ўзбекнинг миллий таоми — сумалак ҳам катта дошқозонда пиширилади.

Жажжигина болакайлари кўриб:

— Мунча ширин бўлмаса?! Асалим, шириним, — деб суйиб қоламиз.

Ўзбекларнинг болалари бир ҳовли. Хонадонига кирсангиз, ўғил-қизлари кўп: каттаси кичигини, кичиги ўзидан кичигини қўлидан тутиб юрган бўлади. Халқимиз бир умр «болам» деб яшайди.

Ўзбеклар таниш-нотаниш билан кўришиб қолса:

— Болалардан нечта? — деб сўрашади. Кетаётган эса: — Болаларни ўпиб қўйинг, — дея хайрлашади.

Болакайлар — бойлигимиз

Маҳалла бўйлаб юриб, хоҳлаган уйга кулоқ тутинг, болакайлари кий-чувларини эшитасиз. Болали уйда сир ётмас, деганларидек, оиладаги икир-чикирлар улар тилида ошкор бўлади. Ота-она ўз муносабатларини атрофдагилардан яширишга уринишмасин, фарзандлар бунга барчага билдиради. Шу боис, уйда, болалар олдида ҳар қандай гап ҳам айтилавермайди. Гапга кирмаган болакайлари биз одатда «Бужки келяпти», «Ана, дўхтир келди», дея кўрқитамиш. Улар эса ёлгонларимизга чиппа-чин ишонади. Негаки болалар ёлгонни билмайди.

Болали уйни бозорга ўхшатишади. Уларсиз бир кунни ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Болакайлар — борлигимиз, бойлигимиз...

Ўша кўни аёлни тонгтача лаънатлаб чиқар экан.

Мен қора қозонни кучгим, бағримга босгим келадим. Қораси юкса ҳам майли. Чунки қозоннинг усти куя бўлса ҳам, ичи оқ...

Хонадонларимизда ҳаммаша қора қозонларимиз қайнаб, мўридан тутуни чиқиб турсин.

Абдурахим БОЗОРБОВЕВ,
Марҳамат туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими масъул ходими

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 2008, 2010 ва 2011 йилларда берилган ўзбек тилидаги дарсликларнинг 2012 йилда утилизацияга топшириш РЎЙХАТИ

T/p	Дарслик ва ўқув қўлланмалар номи	Муаллифлар	Нашр этилган йили	Оғирлиги (грамм)
Таълим ўзбек тилида				
1-синф				
1	Алифбе	Р.Сафарова ва б.	2011	221
2	Она тили	Т.Гаффарова ва б.	2011	179
3	Ўқиш китоби	Т.Гаффарова ва б.	2011	199
4	Математика	М.Ахмедов ва б.	2011	274
5	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц	2011	96
6	Тасвирий санъат	Р.Хасанов	2011	110
7	Музыка	Х.Нурматов ва б.	2011	121
8	Одобнома	О.Хасанбоева ва б.	2011	109
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2011	93
2-синф				
10	Она тили	К.Қосимова ва б.	2010	203
11	Ўқиш китоби	Қ.Абдуллаева ва б.	2010	259
12	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	316
13	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2010	136
14	Одобнома	Қ.Абдуллаева ва б.	2010	118
3-синф				
15	Она тили	С.Фузаилов ва б.	2010	198
16	Ўқиш китоби	Умарова ва б.	2010	299
17	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	277
18	Табиатшунослик	А.Бахромов	2010	170
19	Одобнома	О.Хасанбоева ва б.	2010	138
5-синф				
20	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2008	109
Таълим рус тилида				
T/p	Дарслик ва ўқув қўлланмалар номи	Муаллифлар	Нашр этилган йили	Оғирлиги (грамм)
1-класс				
21	Букварь	М.Тохтаходжаева и др.	2011	263
22	Русский язык	М.Тохтаходжаева и др.	2011	180
23	Книга для чтения	В.Кожуховская и др.	2011	202
24	Математика	М.Ахмедов и др.	2011	274
25	Окружающий нас мир	А.Григорьянц	2011	96
26	Азбука этики	В. Костецкий и др.	2011	112
27	Музыка	Х.Нурматов и др.	2011	121
28	Изобразительное искусство	Р.Хасанов	2011	110
29	Физическое воспитание	К.Маҳкамжонов и др.	2011	93
2-класс				
30	Ўзбек тили	Р.Талипова и др.	2010	118
31	Русский язык	М.Тохтаходжаева и др.	2010	178
32	Книга для чтения	В.Кожуховская и др.	2010	264
33	Математика	Н.Бикбаева и др.	2010	316
34	Окружающий нас мир	П.Гулямов и др.	2010	136
35	Азбука этики	В.Костецкий и др.	2010	116
3-класс				
36	Ўзбек тили	А.Рафиев и др.	2010	171
37	Русский язык	М.Тохтаходжаева и др.	2010	260
38	Книга для чтения	В.Кожуховская и др.	2010	299
39	Математика	Н.Бикбаева и др.	2010	277
40	Природоведение	А.Бахромов	2010	170
41	Азбука этики	В.Костецкий	2010	139
5-класс				
42	Информатика	Б.Болтаев и др.	2008	109
Таълим қорақалпоқ тилида				
T/p	Дарслик ва ўқув қўлланма номи	Муаллифлар	Тавсия этилган йили	Оғирлиги (грамм)
1-синф				
43	Алифбе (Alifbe)	Қ.Хожамуротова ва б.	2011	244
44	Ўқиш китоби (Oqiw kitabi)	Б.Қутлимуратов ва б.	2011	200
45	Она тили (Ana tili)	Б.Қутлимуратов	2011	178
46	Математика	М.Ахмедов ва б.	2011	274
47	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц	2011	96
48	Тасвирий санъат	Р.Хасанов	2011	110
49	Музыка	Х.Нурматов ва б.	2011	121
50	Одобнома	О.Хасанбоева ва б.	2011	109
51	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2011	93
2-синф				
52	Ўзбек тили	Р.Талипова ва б.	2010	118
53	Она тили (Ana tili)	Б.Қутлимуратов ва б.	2010	180
54	Ўқиш китоби (Oqiw kitabi)	Б. Қутлимуратов	2010	259
55	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	316
56	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2010	136
57	Одобнома	Қ.Абдуллаева ва б.	2010	118
3-синф				
58	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2010	171
59	Она тили (Ana tili)	Е.Давенов ва б.	2010	200
60	Ўқиш китоби (Oqiw kitabi)	Б.Калимбетов ва б.	2010	304
61	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	277
62	Табиатшунослик	А.Бахромов	2010	170
63	Одобнома	О.Хасанбоева ва б.	2010	138
5-синф				
64	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2008	109
Таълим қозоқ тилида				
T/p	Дарслик ва ўқув қўлланма номи	Муаллифлар	Тавсия этилган йили	Оғирлиги (грамм)
1-синф				
65	Алифбе(Әліппе)	А.Исабаев ва б.	2011	277
66	Она тили (Ана тілі)	М.Умаров	2011	180
67	Ўқиш китоби	М.Умаров	2011	203
68	Математика	М.Ахмедов ва б.	2011	274
69	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц	2011	96
70	Одобнома	О.Хасанбоева ва б.	2011	109
71	Тасвирий санъат	Р.Хасанов	2011	110
72	Музыка	Х.Нурматов ва б.	2011	121
73	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2011	93
2-синф				
74	Ўзбек тили	Р.Талипова ва б.	2010	118
75	Она тили (Ана тілі)	М.Омарулы	2010	184

76	3	Ўқиш китоби (Оқу кітабы)	М.Омарулы	2010	267
77	4	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	316
78	5	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2010	136
79	6	Одобнома	Қ.Абдуллаева ва б.	2010	118
3-синф					
80	1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2010	171
81	2	Она тили (Ана тілі)	М.Омарулы ва б.	2010	203
82	3	Ўқиш китоби (Оқу кітабы)	М.Омарулы ва б.	2010	307
83	4	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	277
84	5	Табиатшунослик	А.Бахромов	2010	170
85	6	Одобнома	О.Хасанбоева ва б.	2010	138
5-синф					
86	1	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2008	109
Таълим тожик тилида					
T/p	Дарслик ва ўқув қўлланма номи	Муаллифлар	Нашр этилган йиллари	Оғирлиги (грамм)	
1-синф					
87	1	Алифбе (Алифбо)	М.Лутфуллоев ва б.	2011	227
88	3	Она тили (Забони модарӣ)	Т.Чориев	2011	182
89	4	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	З.Тоҳирӣён ва б.	2011	207
90	5	Математика	М.Ахмедов ва б.	2011	274
91	7	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц	2011	96
92	8	Одобнома	О.Хасанбоева	2011	109
93	9	Тасвирий санъат	Р.Хасанов	2011	110
94	10	Музыка	Х.Нурматов ва б.	2011	121
95	11	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2011	93
2-синф					
96	1	Ўзбек тили	Р.Талипова ва б.	2010	118
97	2	Она тили (Забони модарӣ)	Т.Чориев	2010	185
98	3	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	Ж.Эшонкулов	2010	263
99	4	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	316
100	5	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2010	136
101	6	Одобнома	Қ.Абдуллаева ва б.	2010	118
3-синф					
102	1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2010	171
103	2	Она тили (Забони модарӣ)	Т. Чориев	2010	204
104	3	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	Ю. Азимов	2010	303
105	4	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	277
106	5	Табиатшунослик	А.Бахромов	2010	170
107	6	Одобнома	О.Хасанбоева ва б.	2010	138
5-синф					
108	1	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2008	109
Таълим қирғиз тилида					
T/p	Дарслик ва ўқув қўлланма номи	Муаллифлар	Тавсия этилган йили	Оғирлиги (грамм)	
1-синф					
109	1	Алифбе (Алиппе)	Б.Рисбекова ва б.	2011	228
110	3	Она тили (Эне тили)	А.Юнусалиева ва б.	2011	82
111	4	Ўқиш китоби (Окуу китеби)	А.Зулпихорова ва б.	2011	205
112	5	Математика	М.Ахмедов ва б.	2011	274
113	7	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц	2011	96
114	8	Одобнома	О.Хасанбоева ва б.	2011	109
115	9	Тасвирий санъат	Р.Хасанов	2011	110
116	10	Музыка	Х.Нурматов ва б.	2011	121
117	11	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2011	93
2-синф					
118	1	Ўзбек тили	Р.Талипова ва б.	2010	118
119	2	Она тили (Эне тили)	С.Рисбаев ва б.	2010	180
120	3	Ўқиш китоби (Окуу китеби)	Г.Тухтабаев ва б.	2010	259
121	4	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	316
122	5	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2010	136
123	6	Одобнома	Қ.Абдуллаева ва б.	2010	118
3-синф					
124	1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2010	171
125	2	Она тили (Эне тили)	С.Рисбаев ва б.	2010	205
126	3	Ўқиш китоби (Окуу китеби)	А.Зулпихаров	2010	305
127	4	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	277
128	5	Табиатшунослик	А.Бахромов	2010	170
129	6	Одобнома	О.Хасанбоева ва б.	2010	138
5-синф					
130	1	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2008	109
Таълим туркман тилида					
T/p	Дарслик ва ўқув қўлланма номи	Муаллифлар	Тавсия этилган йили	Оғирлиги (грамм)	
1-синф					
131	1	Алифбе (Harplyk)	Қ.Абдуллаева ва б.	2011	224
132	3	Она тили (Ene dili)	Г.Абдуллаева ва б.	2011	180
133	4	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	Г.Абдуллаева ва б.	2011	201
134	5	Математика	М.Ахмедов ва б.	2011	274
135	7	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц	2011	96
136	8	Одобнома	О.Хасанбоева ва б.	2011	109
137	9	Тасвирий санъат	Р.Хасанов	2011	110
138	10	Музыка	Х.Нурматов ва б.	2011	121
139	11	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2011	93
2-синф					
140	1	Ўзбек тили	Р.Талипова ва б.	2010	118
141	2	Она тили (Ene dili)	Г.Абдуллаева ва б.	2010	183
142	3	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	Ш.Абдуллаева ва б.	2010	266
143	4	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	316
144	5	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2010	136
145	6	Одобнома	Қ.Абдуллаева ва б.	2010	118
3-синф					
146	1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2010	171
147	2	Она тили (Ene dili)	Г.Абдуллаева ва б.	2010	201
148	3	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	Ш.Абдуллаева ва б.	2010	301
149	4	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	277
150	5	Табиатшунослик	А.Бахромов	2010	170
151	6	Одобнома	О.Хасанбоева ва б.	2010	138
5-синф					
151	1	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2008	109

Лондон шаҳрида давом этаётган XXX ёзги олимпиада ўйинларининг саккиз кун ортда қолди. Бугунга қадар ғолиб ва совриндорлар учун аталган медаллар мажмуининг 113таси ўз эгаларини топди. Мусобақалар ҳаяжони, курашлар шиддати атлетларнинг ўз имкониятларини тўла намоён этишларини талаб этмоқда. Хар бир медалнинг баҳоси тўрт йиллик саралаш мусобақаларида чекилган ранжу машаққат қийматиға тенг...

Бутун сайёрамиз спорт ишқибозлари нигоҳи қаратилган Лондон шаҳри ареналарида курашга чоғланган, ўз куч ва иқтидорини юксак халқаро мусобақада кўрсатиш бахтиға мушарраф бўлганлар орасида ватандошларимиз ҳам бор. Уларнинг 4 нафари кеча ўтказилган синовларда иштирок этишди. Хусусан, 85 килограмм вазн тоифасида оғир атлетикчимиз Шерзоджон Юсупов, уч хатлаб сакраш бўйича икки нафар спортчимиз: Александр Котлярова ва Анастасия Журавлёва, боскон ўлоқтириш баҳсида Сухроб Ўлжаев ҳамда бокс бўйича 52 килограмм вазн тоифасида Жасурбек Латипов юртимиз шарафини ҳимоя қилди.

Аксарият mutaxassislrimiz ва ихлосмандлар Ўзбекистон олимпиадаларига навбатдаги медалларни айнан боксчилар жамоаси келтиришиға умид билдиришмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки чарм қўлқоп соҳиблари — Аббос Атоев, Элшод Расулов каби тажрибали, ўқтамжон Раҳмонов, Жасурбек Латипов, Фаз-

ли. Аббоснинг ғалаба қозонишини қарама-қаршилиқ яқунланмай туриб айтиш қийин бўлди. Аммо маҳоратли спортчимиз рақибини қийинчилик билан бўлса ҳам (12:10) мағлубиятга учратишни уддалай олди ва чорак финалға йўл олди. Ярим финал

да ўтмоқда. 200 метрга чалқанчасига сузиш бўйича В тоифада қатнашган ёш сузувчимиз Юлдуз Қўчқорова учун эса ушбу Лондон олимпиадаси шунчаки «маҳорат сабоқлари» вазифасини ўтаб берди. У бунинг энг кучли, машхур сузувчиларини ўз кўзи билан

Теннис мусобақаларида ажойиб матчлар ўтказган спортчимиз Денис Истомин кучли рақиб Роже Федерер тўсиғидан ўтолмади. Қўллаб дунёға машхур мураббийлар томонидан маҳорати ва иқтидори эътироф этилган қиличбозимиз Руслан Кудавевни ҳам омадсизлик «шамоли» четлаб ўтмади.

Мусобақалар аста-секин ўзининг «авж парда»ларига кўтарилиб бораётир. Эртадан бошлаб юнон-рум курашчиларимиз ҳам беллашувға киришади. Бугун Олимпиада ўйинлари ғолиб ва совриндорлари

МУХЛИСЛАР МЕДАЛЛАР КЎТМОҚДА

боксчиларимиз буни амалға оширишға яқин туришибди



лиддин Фойибназаров каби ёш иқтидор соҳиблари юрдошларимиз ишончини оқлашиға ишонамиз.

Бокс баҳсларида муваффақиятли қатнашаётган 64 килограмм вазн тоифасидаги вакилимиз Фазлиддин Фойибназаров чорак финал йўлланмаси учун кечган жангда америкалик Хосе Рамиресни 15:11 ҳисобида яққол устунлик билан енгди. У энди ярим финал йўлланмаси учун Жанубий корейлик Соончүл Ханга қарши рингға чиқади.

Икки қарра жаҳон чемпиони деган шарафға сазовор бўлган Аббос Атоев учун Лондон олимпиадаси ўйинларининг иккинчи имтиҳони ҳам кўнгилли яқунланди. 75 килограмм вазнда рингға чиққан боксчимиз руминиялик Богдан Жунато билан куч синаш-

йўлланмаси эса ҳиндистонлик боксчи Вижендер Сингхга қарши ўтган муштлашувдан сўнг маълум бўлади.

Ришод Собировдан ташқари, тўлиқ муваффақиятсизликка учраган дзюдочиларимизнинг энг сўнгги вакили Рамзиддин Саидов ҳам Лондондан «қуруқ» қайтадиган бўлди. Мураббийларимиз маҳоратли вакилимиздан медал қуттишгани. Афсуски, бронза медали учун кечган курашда полвонимиз томонидан йўл қўйилган эътиборсизлик германиялик Димитри Петерс фойдасига ишлади. Эътибор бераётган бўлсангиз, энг кўп медал жамғараётган америкаликлар асосий совринларни сузиш мусобақаларида қўлга киритмоқда. Медаллар учун кечаётган кимўзарлар эса чинакам драматизмға бой тарз-



кўрди. Юлдузни келгуси олимпиада ўйинларида медалларға асосий даъвогар сузувчилар орасида кўрсак, ажабмас...

учун аталган медаллар мажмуининг 24 таси ўз соҳибларига топширилади.

Зохиджон ХОЛОВ

ТИШ ҚОПЛАМАСИ БОЛА УЧУН ЗАРАРЛИМИ?

Янги Англия институти (АҚШ, Массачусетс штати) олимлари бисфенол-глицидилметакрилат (bisGMA) моддаси асосида ишлаб чиқарилган тиш қопламалари болалар руҳиятиға салбий таъсир кўрсатишини аниқлашди. Мавзуға оид мақола «Педиатрия» («Pediatrics») журналинда чоп этилди.

Тадқиқотдан мақсад стоматологияда кенг қўлланиладиган материаллар ва болалар руҳиятидаги оғишлар ўртасида боғлиқлик бор ё йўқлигини аниқлаш эди. Жараёнга 6—10 ёшдаги 500 нафардан ортиқ бола жалб этилди. Уларнинг бир қисмиға кумуш амалғама (симобнинг кумуш, қалай, рух ва мис билан эритмаси), қолганларига эса нисбатан замонавий материал — компомер (уретандиметилметакрилат асосидаги композит материал) ва bisGMA асосида ясалган тиш қопламаси қўйилган. Беш йилдан сўнг тажрибада иштирок этганлар ўртасида бетафил психологик тест ўтказилган. Яқунда bisGMA моддаси асосидаги пломба қўйилган болалар бошқаларға нисбатан паст натижаларни кўрсатган. Шўнингдек, уларда кучли ҳаяжон, депрессия каби ҳиссий муаммолар кўп учраган.

Энг эътиборлиси, bisGMA асосидаги пломбалар ва психик функциянинг псайиши ўртасида бевосита боғлиқлик ҳам кузатилган. Қолаверса, бундай пломбаларға эға 16 фоиз болаларда яққол кўзға ташланадиган руҳий муаммолар ҳам қайд этилган. Амалғама асосидаги пломбалар қўйдирган болаларда эса бундай ҳолат кузатилмаган.

Тадқиқотчилар раҳбари, доктор Нэнси Масерезаннинг таъкидлашича, тажриба натижаси қуттилмаган янгилик бўлди. Чунки унғача олимлар замонавий пломба материаллариға нисбатан таркибида симоб бўлган амалғама зарарлироқ, деган таҳминни илгари сурган эдилар.

Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва маълумасини ошириш институти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси Педагогика, психология ва менежмент кафедраси мудири, психология фанлари номзоди Илҳом Асламовға онаси

Зулфия ая АСЛАНОВАнинг
вафоти муносабати билан таъзия билдиради



ГАЗЛИ ИЧИМЛИК СЕМИЗЛИККА САБАБ

Буюк Британиядаги Бангор университети mutaxassislari таркибида шакари бор газли ичимликни мунтазам истеъмол қилиш ортиқча вазнини ошириб, қондаги шакар микдорининг кўпайишиға, ёғ алмашинуви жараёнининг бузилишиға олиб келишини аниқлашди.

«Компьюлента» манбасида бу хақида маълум қилинди. Изланишда доимий равишда ширин яхна ичимликларни истеъмол қилиш мушакларнинг озиқ-овқатдан энергия олишиға таъсир кўрсатиши намоён бўлди. Бунда ёғ ўрниға шакарнинг ҳазм бўлиши кузатилди.

Мушак ҳужайралари таркибида шакар бўлган озиқ-овқат истеъмол қилинганида ёғ ўрниға шакарни парчалашға «киришиб» кетади. Тажрибаға жалб қилинганларнинг организмиде газли ичимлик истеъмолидан сўнг айнан шундай ҳолат кузатилган. Организмнинг бундай самарасиз моддалар алмашинувиға ўтиши жисмоний нофал ва ҳафсатаси бери неча марта ичимлик истеъмол қилганларда тезроқ кузатилиши мумкин экан. Газли ичимликларни ҳаддан зиёд истеъмол қиладиган одамлар мушакларида семизлик ва иккинчи турдаги қанд касаллигиға чалинганлардаги каби ўзгаришлар юз беради.

Тадқиқот муаллифларининг фикрича, газли ичимликлар сотувини меъёрлаштиришға долзарб масала сифатида қараш зарур. Жумладан, қатъий равишда солиқ жорий этиш ва бундан тушадиган маблағни соғлиқни сақлаш соҳасидаги инвестицияларға ажратиш ҳамда ортиқча вазн ва қанд касаллиги аниқланган беморларни даволашға сарфлаш мумкин.

Шўнингдек, ширин яхна ичимликларни истеъмол қилиш астма, қанд касаллигини ривожлантириш, юрак ва қон томирлари тизимиға жиддий зарар етказиши, ошқозон ости бези саратонини келтириб чиқариши ва организмнинг тез қаришиға олиб келиши мумкин экан.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва Касаба уюшма қўмитаси Тарих факультети «Санъатшунослик» кафедраси мудири, профессор Баҳодир Абдурахимовға ўғли

Хуршид АБДУРАХИМОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.



Филиппин оролида содир бўлган «Женер» тайфуни сабабли 20 нафардан ортиқ одам ҳалок бўлиб, 200 минг аҳоли ўз турар жойини тарк этган, пойтахт Манилада эса ёмғирлар туфайли сув тошқини кузатилмоқда.

«Евростат» статистик агентлигининг маълум қилишича, жорий йил июнь ойида евро муомалада бўлган 17та мамлакатда ишсизлик даражаси рекорд даражадаги кўрсаткич — 11,2 фоизға етган, ишсизлар сони эса 17,8 миллионни ташкил этган.

Шимолий Кореяда бирин-кетин бир неча кучли сув тошқинлари юз бергани оқибатида кўплаб қишлоқ ҳўжалик майдонлари сув остида ва ўн минглаб инсонлар бошпанасиз қолиб, ҳозирға қадар 200дан ортиқ одам ҳалок бўлган, мамлакат ҳўкумати эса расмий равишда БМТдан озиқ-овқат ва ёқилғи борасида ёрдам кўрсатишини сўради.

Европаниннг энг йирик молиявий ташкилоти «Deutsche Bank»и қарзлари бистор болги инкрузи инвесторлар ишончи ва мижозлар фаоллигиға салбий таъсир кўрсатгани боис харажатларни 3 миллиард евроға қамайтириш дастури доирасида 1900та ишчи ўрни қисқартирилиши мумкинлиги маълум қилинди.

Гурунг

Баъзида тушкун кайфиятга тушиб, ҳамма нарсадан ҳафсалам пир бўлади. Бу кейинги пайтда тез-тез такрорланаяпти. Арзимаган нарсалар: автобусдаги суҳбатлар, турмушдаги кичик муаммолар, атрофдагилар билан мулоқот, ҳаттоки светофорнинг қизил чироғи узокроқ ёниб қолишию уйдаги сув жўрагининг бузилганлиги ҳам асабимга тегади. Гоҳо булар арзимаган нарсалар эканлигини ўйлаб, ўзимга ҳайрон қоламан, лекин, барибир, асабийлашишдан ўзимни тўхтата олмайман...

Энг яқин кишиларимга кўнғироқ қилиб, уларнинг ҳолидан хабар олган

лишади. Ҳа, улар доимо олға қадам ташлайдилар.

Атрофдагиларни кузатар эканман, шу ерда бир муддат тўхтаб, уларга ҳам, ўзимга ҳам ортимизга бир боқайлик, дегим келди...

Менга берилган умрнинг қанчадир улушини мана шу кунгача яшаб ўтдим. Хўш, нималар қилдим, яқинларимга қандай шодлиқлар келтирдим, ўзимнинг «мен»имни топишда қайси йўлдан юрдим, ота-онам розилиги учун қандай савоб ишларни амалга оширдим, умуман, мен қобил фарзанд бўла олдимми? Қилишим лозим бўлган ишларни вақтида бажардимми, соғлигимга

ИМТИҲОН

нимда эса кўнглим ёришиб, ўзимда куч топаман.

Бир муддат кўзларимни юмиб, ўзимга тасалли бераман: омадсизлиқлар ортда қолган кун ўтди-кетди. Бу кун ҳам ўтади — мен-ўзимни бутунлай бахтли ҳис қиламан ва ўзимга кўпроқ ишона бошлайман. Чунки қалбимнинг туб-тубидан мен ўзимнинг бир қобилият эгаси эканлигимни англаяпман. Ҳаётимнинг ҳар бир куни, ҳар бир соати, бу — ўзим билан ўзим курашиб ва «Мен» галаба қилган шарафли жангнинг лаҳзаларидир...

Барча қийинчиликлар ичида энг қийини — ўзингни англай билишинг экан. Баъзида атрофдагилардан ҳам нималарнидир ўрганасан. Фақат уларни диққат билан кузатиш ва ўзинг учун керакли хулосалар чиқара олсанг, бас. Улар доимо ҳаракатда, изланишда, ўйчан нигоҳларини бир нуқтадан узмай, олисларга боқадилар. Қизиқ! Бунча кучни қаердан оладилар, нималарни ўйлайдилар? Менингча, улар мушоҳада билан эмас, балки ҳаракатларида ўзларини англайдилар. Бажарилиши лозим бўлган ишга куч-ғайрат сарфлаб, ўзларининг қимлигини би-

эйтибор бердимми, азиз инсонларимга хиёнат қилмадимми? Хатоларим қаерда, уларга қандай йўл кўйдим? Энди-чи, энди хато қилмаяпманми? Нодонлик қилиб, ҳеч кимнинг дилини оғритиб қўймадимми, қаердадир, кимдир менинг эътибор ва меҳримга муҳтож эмасмикан...

Инсон ақли гоҳида виждонини имтиҳон қилиб туриши керак. Бу имтиҳон унинг инсон номига муносиб бўлиши учун ҳам зарур.

Саволлар кўп ва мураккаб. Инсон ҳар куни оч қолганида нон ейишни, чанқаганида сув ичишни унутганидек, бу саволларни бот-бот ўзига бериб турса, оқибатсизлик, виждонсизлик, садоқатсизлик тушунчаларини озгина унутармиди...

Инсон саволларни ўзига шунчаки беролмайди. Бунинг учун унинг қалбига тарбия виждон уругини сепаган бўлиши керак. Уруг сепишининг ҳам мавсуми бор. Агар кеч қолинса...

Мен бу саволларни ўзимга бериб кўрдим. Аммо натижа мен кутгандек эмас...

Тушундим.

Дилрабо ОНДАЕВА

Қорақўл

ПОШШОХОЖА

ИККИ ҲИКОЯТ

ТИРИКЛИК СУВИ

Айтурларким, Сулаймон пайғамбарга бир киши бироз оби ҳаёт келтурди. Сулаймон пайғамбар ул оби ҳаёт сувини ичмоқ учун жамъ халойиқ бирлан вухушу туюрни, барчани қақриб маслаҳат қилди, эрса бутимор деган қуш келмади. Сулаймон айтдики, ҳай-вонларнинг зийрақроқи отдур, они йиборинг, олиб келсун. Ондин сўнг отни йибордилар, эрса келмади. Ондин сўнг Сулаймон айтди: ҳайвонларнинг касифроқини йиборингким, итдур. Ондин сўнг итни йибордилар, эрса бутимор қуш итқа бўшулиб келди. Сулаймон айтди: сабаб не эрдиким, ҳайвонларнинг зийрақроғини йибордим, онинг сўзи касифроқини йибордим, анинг сўзи бирлан келдинг? Бутимор айтди: ё расулалло, от вафо даштида ўт ўтлагон эрмасдур ва ит вафо даргоҳидин кетгон эрмас. Онинг учун итининг сўзи бирлан келдим. Сулаймон айтди: бир ичулик оби ҳаёт келтурбдурлар. Они ичарга рағбат қилурман, маслаҳат не-турур? Бутимор айтди: ё расулалло, бу сув бори қариндошларинг ва хайли ҳашаминга етар бўлса, ичсон бўлур, ва агар ёлғиз ичсанг, ўзинг ёлғиз қолгунгдур, ёру биродар ва хайлу ҳашаминг бориси фоний бўлгусидир. Алардин айрилиб, санинг тириклигингдин не фойдадур, пушаймон бўлгунгдур. Сулаймон айтди: бу сўзни манга ҳеч ким айтмади, эмди сандин эшиттим. Маъкул айтурсан, деб ул сувни ичмади.

Қиъта

Тириклик ёру дилдор ила хуштур, Тирикликни нетарсан бўлмаса ёр?! Ўлук сониди кўр, тема тириктур Кишиким, йўқ анга ёри вафодор. Киши ёлғуз жаҳонда бўлмади шод, Нечаким бўлса оламда намудор...

УЧ ПАНД

Айтурларким, бир киши бир чиб-чукни бир қафасга солиб сақлаб эрди. Бир кун ул чибчук айтди: эй киши, мани бу қафасга солиб сақлабсан, соқлогондин санга ҳеч бир фойда йўқдур. Агар мани озод қилсанг, санга уч панд берайки, ондин санга кўп фойдалар бўлғай. Ул киши айтди: ул пандлар қайсидур, айтғил, сани озод қилайин, деди. Чибчук айтди: аввал улким, ҳар нимарса қўлингдин чиқса, анинг учун қайғу емағил. Ва яна маҳол сўзни асло қабул қилмағил. Эмди мани йиборгил, яна бирин айтурман. Ул киши йиборди, эрса учуб бориб, бир яғочнинг шохасида кўнди, тақи айтди: ажаб нодон киши эркансан, манинг қорнимда йигирма мисқол лаъл бор эрди. Ул лаъл қўлингдин чиқти, теги. Ул вақтда ул кишига баса изтироб тушди ва пушаймонлар қилди, эрса чибчук айтди: ҳоло ман санга насихат қилмадуммиким, нимарса қўлингдин чиқса, онинг учун қайғурмағил! Ман энди қўлингдин чиқдим, пушаймонлик не фойда қилур?! Ва яна буким, ман ўзум йигирма мисқол эрмасманким, йигирма мисқол лаъл менинг қорнимда не турлик сиғар, яна бир пандим буким, бу яғочнинг тубида бир кўзача танга бортурур, они олиб харж қилғил, теги. Ул киши дарахт тубини қазди эрса, бир кўзача танга чиқти. Они олғоч, чибчук учуб кетти.

Назм

Икки иш қўймас бани одамда
дахр ичра маҳол:
Бир — таассуф ўткон ишқа,
бир — доғи амри маҳол.
Одам эрсанг қўб таассуф ема
ўтган иш учун,
Демағил, сўзни маҳолу
чекмағил андин малол.

Алишер НАВОЙИ

ИЙМОННИНГ АФЗАЛИ — САБРЛИ ВА КЕНГ ҚАЛБЛИ БЎЛИШДИР

Ҳадислар

Илмнинг офати — эсдан чиқармоқлик ва илмга рағбати бўлмаган кишиларга ўргатиб, уни зое кетказмоқликдир.

Чақирилган жойагина бординг.

Нафақа ва садақа беришда аввал ўзингдан бошла. Агар бирор нарса ортса, ахли аёлинга бер. Яна бирор нарса ортиб қолса, қариндошларингга бер. Улардан ҳам ортса бошқаларга бер.

Мунофиқлик белгиси учтадир: ёлғон сўзлаш, ваъдасининг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилиш.

Чакимчилик нима, биласизларми? У — одамларнинг гапларини (уларнинг ўзаро муносабатларини бузиш ниятида) бир-бирларига ташимокликдир.

Икки кишига Тангри қиёмат куни раҳмат назари билан боқмайди: 1. Қариндош-уруғидан узилиб кетган кишига. 2. Ёмон қўшнига.

Тангри наздида энг яхши гап — рост гапдир.

Ўзимдан кейин қоладиган уматларни учун уч нарсадан кўрқаман:

1. Нафсу ҳавога берилиб, йўлдан озилшадан.
2. Нафсоний ва шахвоний ҳиссиётга берилиб кетишидан.

3. Илму маърифатга эга бўла туриб, ғофилларнинг ишини тутушидан.

Амирнинг совға олиши ҳаром ва қозининг пора олиши диндан чиқишдир.

Ким-кимни дўст тутса, шу севгисини билдириб қўйсин.

Қачонки бирор гуноҳ иш қилиб қўйсангиз, уни ювиш учун орқасидан бир савобли иш ҳам қилиб қўйинг!

Ҳамма ишларингизда тўғри бўлинг, одамларга муомалада хулқингиз чиroyли бўлсин!

Аҳмоқдан узоқлашинг.

Касбнинг энг яхшиси кишининг ўз қўли билан бажарадиган иши ва ҳалол савдодир.

Яхшилиқни чехралари очик, хушрўй одамлардан кутинглар.

Учрашганда қайси бирларингиз биринчи бўлиб салом берсангиз, ўша одам Тангрига ҳам итоатлироқдир.

Бешта нарсадан олдин бешта нарсани ғанимат билинг: ўлимдан олдин тирикликни, бетобликдан олдин саломатликни, бандликдан олдин бўш вақтни, кексалиқдан олдин ёшликни, фақирликдан олдин бойликни ғанимат билинг.

ТЎРТЛИКЛАР

Ким мусулмонлиғ айласа даъво,
Чин эмас гар фидо қилур жонлар.
Ул мусулмондурурки, солимдур
Тилию оғзидин мусулмонлар.

(Ҳадис: Кимнинг тили ва қўлидан мусулмонлар эсон бўлса, мусулмон шудир.)

Тенгидин раҳм агар тамағ қилсанг,
Аваал ўлмоқ кераксен элга раҳим.
Ҳар кишиким, улусқа раҳм этмас,
Анга раҳм айламас раҳими қарим.

(Ҳадис: Халққа раҳм қилмаганга Оллоҳ раҳм қилмайди.)

Қайси мажлисдаким, эшиттинг сўз,
Билки, ул сўз санга амонат эрур.
Гар ани ўзга ерга нақл этсанг,
Ул амонатқа бу хиёнат эрур.

(Ҳадис: Ўтиришлар омонатда сақланиши лозим.)

Ҳирсдан кечким, ул ғамедурким,
Ҳадду ғоят эмас анга пайдо,
Тут қаноатким, ул эрур моле
Ки, ниҳоят анга эмас пайдо.

(Ҳадис: Қаноат тугамас молдир.)

Элга не келса, андин олмас панд
Улки, кўнглини қилди ғафлат банд.

Кимки, панд олди элга тушкандин,
Ани билким, эрур саодатманд.

(Ҳадис: Ўзгандан ўғит олган саодатлидир.)

Халқ аро яхшироқ дединг кимдур,
Эшитиб, шубҳа айла рафъ* андин.
Яхшироқ бил ани улус ароким,
Қўрпақ ўлгай улусқа нафъ андин.

*Рафъ айламак — кўтармак.

(Ҳадис: Кишиларнинг яхшиси халққа нафъ келтиренидир.)

Оналарнинг оёғи остидадур,
Равзайи жаннату жишон* боғи,
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл анонинг оёғи туфроғи.

*Жишон — кўнгул.

Кимки, мўминдурур, қачон чидағай
Ким, ўзи тўқу қўшни бўлғай оч.
Анга дағи керак етурса касиб,
Хонида гар кулмочу, гар умоч.

(Ҳадис: Мўмин қўшнисиз тўқ бўлмайди.)

(«Арбаъийн»дан.)

Саҳифани Маҳмуд САЪДИЙ тайёрлади.

Бугун Лондондаги олимпиада ўйинларида галаба учун бахсларга киришадиган спортчиларимиз билан биргаликда Ўзбекистон номини шарафлаётган бир инсон бор. У Осиёнинг тўрт карра энг яхши рефериси, юртдошимиз Равшан Эрматовдир. Олимпиада ўйинлари бошланишидан бир муддат олдин у билан суҳбат уюштиргандик. Аслида қаҳрамонимиз билан суҳбатимиз режа бўйича бошқачароқ бўлиши керак эди. Ўрганиб қолганман: аксарият спортчилардан интервью олиш қийин кечади. Аммо номдор ҳакам билан суҳбатимиз асосида барча режаларим чиппака чикди-қўйди. Саволлар ёзилган қоғозни қараб ўтиришга, очиги, фурсат ҳам бўлгани йўқ. Гап-гапга уланса, «кейинги саволим нимаиди-я», деб қоғозга тикилиб-каловланиб ўтирмас экансан. Қисқаси, ҳеч қандай расмийчиликка ўрин қолмади.

— Шоир сизмисиз? — дея елкамни қоқиб қўйди саломлашганимиздан сўнг Равшан ака. Зинадан кўтарилар эканмиз, ўша қайсар Рунио Ван Боммелларни майдонда «тинчлантириб» қўядиган Равшан Эрматов шу инсонни ё мен адашиб бошқа бировни суҳбатга чақириб қўйдимми, дея шубҳалана бошлайман. Йўқ, яхшилаб қарайман: адашганга ўхшамайман — Эрматовнинг ўзи. «Ие, у ҳам биздек инсон экан-ку» — чиқарган «хулоса»дан ўзимнинг кулгим кистайди.

Зукко одам эмасми, Равшан ака пайқайди.

— Шоир деганингизга кулгим келди, — дейман изохга ўтиб. — Умримда шеър ёзмаганман.

— Қўйсангиз-чи, барибир шоирсиз!
 Бу енгилгина ҳазил суҳбатимиз қалови бўлади.

БИЗНИ ТАН ОЛИШЛАРИ ОСОН БЎЛМАДИ

Жанубий Африка Республикасида ўтказилган футбол бўйича 2010 йилги жаҳон чемпионати тўғрисида билмаган футбол мухлиси йўқ. Унда кимлар қатнашган, ким чемпион бўлган, қайси ҳакамлар ўйинларни бошқарган — бу ҳақда кўпчилик билади. Аммо унда иштирок этган кишининг суҳбатини олиш барибир бошқача-да. «Мавзунинг атрофида» айланмай-сиз. Ахир, унинг ичида бўлган киши билан ҳар кун ҳам юзма-юз гаплашавермай-сиз-ку!

Суҳбатимиз аввалида, ўша жаҳон чемпионати олдидан Ўзбекистонлик ҳакамларга нисбатан қандай муносабатда бўлишгани тўғрисида сўрадим.

— ФИФА бизни саккиз йил кузатиб, уч йилдан бери жаҳон чемпионатида номзод ҳакам сифатида тайёрлаб келаётганига қарамай, жамоатчилик орасида бизга нисбатан ишончсиз қараётганлар бор эди, — дея ҳикоя қила бошлайди Равшан Эрматов. — Ўн тўққизинчи жаҳон чемпионатининг очилиш учрашувига тайинланганимиздан кейинги илк матбуот анжуманида бир журналист бироз беписандроқ оҳангда шундай савол берди:

— Сиз футбол ривожланаётган мамлакатдасиз. Очилиш учрашувини жаҳонда тўрт ярим миллион одам кўради. Сиздан бошқа тажрибали ҳакамлар бўла туриб, сизни тайинлашди. Шундай нуфузли ўйинни бошқаришдан қўчимаясизми?

Бошқа пайт ёки вазият бўлганда бундай саволга одатий қарасан бўларди. Чунки шундай журналистлар ҳам бор: уларга қизикарли жавоб керак. Бундай жавобни қандай олиш мумкин? Нима қилиб бўлса ҳам, ҳатто, суҳбатдошнинг бироз жажлини чиқариш эвазига бўлса ҳам жавоб олишнинг шарт...

— Мен қандай мусобақага келганимни, жаҳон чемпионатининг нафақат очилиш учрашуви, балки ҳар бир ўйинини бошқариш осон кечмаслигини тушуниб турибман, — дедим имкон қадар босқичлик билан. — Лекин бу менинг ўйинларни бошқаришдан қўйиётганимни аңглатмайди. Агар шундай бўлганида мен чемпионатни Тошкентда, ўз уйимда кўк чойни далаб, мазза қилиб томоша қилиб ётган бўлардим.

Шундан сўнг ҳам бу каби муносабатлар давом этди. Лекин биласизми, ишончирмасликлар ҳам кўпгина сезининг фойдангизга ишлайди. Сизни кўларга кўтариб туришсаю, ишончни оқлай олмаганингиздан кўра, бирор ишни бажаришингизга кўзи етмайроқ туришданга, вазифангизни яхшилаб бажарганингизга тўзук.

Ўйиндан олдин менда ҳам, Баҳодир акам билан Рафаэлда ҳам (Р.Эрматовнинг ёрдамчилари — ФИФА лэйсменлари Баҳодир

Равшан ЭРМАТОВ:

ҲАКАМЛИК ФОРМУЛАСИ: ТЎҒРИЛИК ВА ҲАЛОЛЛИК

Қўчқоров ва Рафаэл Илёсов. — Э.Н.) бир тўғу жўш ура бошлади. Ўйинда яхши ҳаракат қилиш, иложи борида хато қилмаслик, токи бизга ишонмаётганлар кимлигини мизини билишсин.

Кўнглимиздан нима кечаётгани ФИФАдагиларга ҳам озми-кўпми маълум эди. ФИФА нима қилаётганини яхши биладиган ташкилот. Қайси ўйинга кимни тайинлашни яхши биларди. Уч йиллик кузатув ва синовлар натижасида келинган қарор эди бу. Шундай бўлса-да, ФИФАнинг ҳакамларнинг руҳий ҳолатларига масъул ходими, испаниялик психолог Мануэл Лопес мен билан жиддий гаплашиб олишга қарор қилди.

— Равшан, биз сенга ишонамиз, — деди у. — Сен ўйинни албатта зўр бошқарасан. Бунинг учун сенга яна бир қўшимча «топширик»: ўйинни ким ёки қанча киши томоша қилапти, трибунада нима гап, бу ҳақда умуман ўйлама. Ташқи таъсирларни бутунлай унут. Майдонда сен, ассистентларинг ва 22 футболчи. Бошқа ҳеч ким.

Бу менга қўшимча далда бўлди.

МЕН УЧУН ҚОИДАНИНГ КАТТА-КИЧИГИ ЙЎҚ

— Ҳакам ҳам бошқа соҳа вакиллари каби ўқиб-ўрганиб бориши керак. Ўз соҳанга оид янгиликлардан хабарсиз қолдингми, яхши-си, бу ишни йиғиштириб бошқасига қўл урганим маъқул. Бу менга устозларим томонидан беришган энг керакли ўғитлардан, — дейди ФИФА рефериси суҳбатимиз жаҳон чемпионатидаги айрим бахсли вазиятлар, қоидалар сари бурилла бошлаган. — Эҳтиمول, бошқа соҳада юз фоиз тайёр бўлмай туриб ишга киришса бўлар. Чунки тажриба ортиб, бора-бора аввалги хатоларни иш жараёнида тузатиб кетаверасан. Аммо ҳакамликда бундай эмас.

Ҳакам ўзига топширилган ўйинга ҳамиша юз фоиз тайёр бўлиши шарт. ФИФАнинг бизга қўядиган талаби шу. Тўқсон тўққиз ҳам камлик қилади. Юз бўлиши керак. Муаммо ўша биз эътибор қилмаган бир фоизнинг ичида бўлса-чи?.. Бу гапларни айтишимдан муддао — бирор касбни танлаган, энди енг шимариб ишга киришадиган ҳар бир ёш ўз олдига иш учун максимал тайёр туришни мақсад қилиб олиши керак. Шунда ютқазмайди.

ФИФА томонидан ўтказиладиган элит ҳакамлар учун семинарларда кўпгина ҳакамлар, улар ичи-

да манаман деган юлдуз ҳакамлар ҳам бўларди, баъзи қоидаларга диққат қаратиб ўтиришни ўзларига эп кўришмасди. Мисол учун, футболда мингдан бир ҳолатда юз бериш эҳтимоли бор вазиятлар бўлади. Балки умуман юз бермаслиги мумкиндек туюладиган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Ўшандай ҳолатларни қўриб чиқиб, ўрганиш вақти келганда:

— Қўйсанглар-чи, бу ҳолат ҳаётда бўлмайди, — дейишарди ва кейинги қоидага ўтишни талаб қилишарди. Мен эса ҳар бир қоидага ўрганишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйган эдим. Ана шу мақсад мени дангсалиқдан сақлади...

Кўза кунда эмас, кунда синади, деган мақол замиридаги ҳикмати Равшан аканинг қуйидаги ҳикоясини тингларканман, янада яхшироқ аңгалагандай бўламан. Ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида юқорида айтиб ўтилган «камдан-кам юз берадиган воқеалардан» бири содир бўлди. Ўзбекистонлик ФИФА рефериси эҳтимоли кам бўлса-да, бу каби вазиятлар албатта юз бериш мумкинлигини биларди ва унга ҳар лаҳза шай бўлиб турарди. Билмаганга мушкул, билганга чикора? Юз бермиш воқеа бошқалар учун «кўзанинг дабдбурдудан синиши»дек қўйилмаган, қийин вазият бўлиб тулгандир балки. Аммо Эрматов учун у «қачондир содир бўлиши аниқ воқеа» эди. У 2003 йилнинг августда Финляндияда юз беради. Ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати гуруҳ учрашувларидан бири, Яман — Португалия ўйини.

Ўйин қоидаси Португалия жариима майдонида бузилади ва Равшан Эрматов европаликлар дарвозаси томон 11 метрлик жариима тўпини белгилайди.

— Яманлик футболчи тўпни тепади. Гол. Лекин мен уни инobatта олмадим, — дейди ўша вазиятнинг хотирлаб Равшан ака. — Пенальтини тақдор бажаришга ишора қилдим. Бу гап ҳам қоида бўлибди. Учинчи марта бажариш кераклигини айтганимда, яманлик ёш қизикчон футболчиларга қўшилиб трибунадагилар ҳам нозилик билдира бошлади. Жариима зарбасини нега қайтадан бажартираётганимни тушунтирдим. Ва низоъ, учинчи уринишда хато қилишмади.

Ўйин тугади. Стадиондан чиқиб меҳмонхонага борсам, осийлик

Taqdirimsan, baxtimsan, erkin va obod Vatan!

ҳакамлар учун масъул Фаррух Борза жанобларининг фиғони фалақда.

— Нималар қилиб қўйдинг, Равшан? — дейди алам билан.

— Нима қилибман? — дедим кулисираганча уни хотиржам қилишим зарурлигини пайкаб. Нима қилганимни ўзим жуда яхши билиб турардим.

Гап шунда эдики, ўшанда пенальти бажарилаётган ҳолатда дарвозабон ва футболчидан бошқа ҳеч ким «ўн олтилик»га кириб кетиши мумкин эмаслиги ҳақидаги қоида қабул қилинган, уни эса ҳали ҳамма ҳам билмас эди. Яманлик футболчилар ўн бир метрлик жариима тўпини биринчи ва иккинчи тепишда жариима май-

мумкин? Аксарият томошабинлар кўнглидан шундай фикр ўтган бўлса керак. Аммо биз адашган эканмиз ўшанда. ЖАР дарвозабони олдинга чиқиб кетган, ортда химоячининг бир ўзи қолгани тўғрисида, ён ҳакам (Р.Илёсов) байроқчасини тўғри кўтарган экан — оффсайд! Бу қарорнинг нақадар тўғрилигини кейинчалик бутун дунё футбол мутахассислари эътироф этди.

— Ўйиндан ташқари ҳолатни тўғри белгилай олишимизда Рафаэлнинг хизмати катта бўлди ўшанда, — дейди Равшан Эрматов. — «Комуникэйшн систем» воситасида Рафаэл билан вазиятни секунд ичида ҳал этишимиз шарт эди.



донида кириб кетишганди. Фақат мен уларга бунинг нотўғри эканини тушунтиргач, улар пенальти учинчи марта амалга оширилаётганда қоидага амал қилишди. Бўлган гапни Фаррух Борза гапириб бердим. Шундан сўнггина у енгил нафас олди.

Кўп вақт ўтмай, Ўзбек ҳакамининг қарори мутлақо тўғри экани расман эълон қилинади. Қоида янги қабул қилинган, унга Равшан Эрматов биринчи бўлиб расмий ўйинда амал қилган эди. ФИФА бунга алоҳида эътибор қаратади ҳамда ўша ҳолатни ўзининг махсус ўқув қўлланмасига киритади.

Камдан-кам юз берадиган вазиятлардан яна бири 2010 йилги жаҳон чемпионатининг очилиш учрашуви — Жанубий Африка Республикаси — Мексика ўйинида содир бўлганини жаҳондаги миллионлаб футбол мухлислари кўрди.

Мексикаликлар ҳужум қилаётганда ЖАР химоячиси рақиб ҳужумчиларидан кўра ўз дарвозасига яқин позицияда эди. Табиийки, ҳамма ўйинда кўрганмиз, химоячи рақиб ўйинчисидан кўра ўз дарвозасига яқин масофада турган бўлса, «оффсайд» бўлмайди. Бу ҳолатда ҳам шундай бўлди-ку? Демак, ўйиндан ташқари ҳолат ҳақида қандай гап бўлиши

— Рафаэл, нима бўлди, кўрдингми?

— Тўп кимдан келганини айтиб юбор... Тушунари — оффсайд!..

Бу ҳолат сабабли жаҳондаги миллионлаб мухлислар футболнинг яна бир нозик қоидасини яхшироқ тушуниб олишди. Бунинг учун Р.Эрматов ва унинг жамоаси семиз-семиз китоблар қораламади, битта байроқча ва ҳуштак билан мухлисларга қизик бир вазият ҳақида сабоқ бериб қўйди. Бу Р.Эрматовнинг ўз ибораси билан айтганда, Худонинг буюк марҳамати эди.

Ҳа, гоҳида лаҳзалар ичида сенга бўлган ҳамма нарсаси ўзгаради. Одамларнинг меҳри, муҳаббати — умуман, сенга нисбатан муносабат, у нафрат ёки шунчаки мўътадил қараш бўлиши мумкин.

Равшан Эрматов ва унинг жамоасига бўлган ишончсиз қарашлар лаҳзалар ичида рўй берган биргина ҳолат ва чиқарилган одил қарор сабабли тамом ўзгарди. Кечагина: «Булар қаердан келиб қолди ўзи?» дея истеҳзо аралаш хайратланаётганлар ўйиндан кейин ўз фикр либосларини ўнг қийди-лар. Нигоҳларидаги салбийлик исқобийликка алмашди:

— Ҳа-а, барака топқурлар, ҳакам дегани мана шундай бўлибди-да!..

БАХТЛИ БОЛАЛИК УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАР МУҲАЙЁ

Болалар кулгуси, кувончидан беғуборроқ яна нима бор? Шунинг учун ҳам у барчанинг таърифида бахтли бо-

лик, дея аталади. Фақат болаларнинг шодон кулгуси янграйди. Мамлакатимизда бахтли бо-

лалик учун барча шароитлар яратилган ва бу эзгу анъана йилдан-йилга ривож топиб бормоқда.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Қўрғонтепа маҳалласида ишга туширилган янги болалар майдончаси ҳам

ана шундай эътиборнинг махсули сифатида жажжи ўғил-қизларни ўз қучоғига чорлади. Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги байрамига болажонлар учун туҳфа этилган мазкур майдонча турли кўнгилочар аттракционлар билан таъминланган.

— Фарзандларимиз учун бунёд этилган ушбу майдонча маҳалламиз аҳлининг, барча ота-оналарнинг чексиз қувончига сабаб бўлди, — дейди ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи оналардан бири Холида Абдуллаева. — Болаларимиз яйраб ўйнашмоқда. Атрофи ўралган ва барча хавфсизлик чоралари қўрилган майдончада ўйнаётган фарзандларимиздан кўнглимиз тўқ. Бу мустақиллигимизнинг 21 йиллиги олтидан маҳалламиз аҳлига яна бир катта байрам совғаси бўлди.

Бурхон РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.



Ma'rifat

TA'SIS

ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari), "Учитель Узбекистана", Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



ИНДЕКС: 149, 150. Г-818.
Тиражи 34220.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqir qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Mamur AHLIDINOV.

Navbatchi muharrir:
Behzod FAZLIDDINOV.
Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

ЎЗА Якуни — 21.55
Topshirildi — 22.00